ОБУНА 2000

"Икки шиша "Смирноф" ичиб, икки кун сархуш бўлгандан кўра, шунинг пулига "Ҳуррият"га обуна бўлиб бир йил мириқиб ўқиганим маъқул!"

(Зиёфатдаги суҳбатдан)

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 13 - 19 октябрь | 41 (143)-сон

АКМАЛ САИДОВ ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД БЎЛА ОЛАДИМИ?

САЙЛОВ

Душанба куни Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ва журналистларнинг навбатдаги учрашувининг айни қизғин палласида ҳамкасбларимиздан бири жаноб Н.Комиловга савол ташлади: "Акмал Саидов Олий Мажлис депутатлигига ташаббускор гуруҳлар томонидан мустақил номзод сифатида қўйилибди, бу мавжуд қонунчиликка тўғри келадими?.."

Юзаки қараганда савол ўринлидек туюлади: А.Саидов яқинда тузилган мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказига раҳбар этиб сайланган, бинобарин, сайлов жараёнида уларнинг корига яраш ўрнига ўз ташвиқоти билан андармон бўлиши мантиқсиздек кўринади. Боз устига, ўша анжуманда А.Саидовнинг ўзи МСК Раиси билан ёнма-ён ўтирган эдики, савол уни бироз тараддудга тушириб қўйиши-да мумкиндай. Йўқ, ундай бўлмади, жанобимиз кулимсираб ўтираверди. Раиснинг жавоби эса шундай бўлди: А.Саидовнинг номзоди албатта Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Негаки, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази, бу - жамоатчилик асосида тузилган ва унинг ходимлари ҳам шу асосда ишлайди. Бундан ташқари, деди Раис, айрим участка сайлов комиссияси раислари ҳам Олий Мажлис депутатлигига даъвогар бўлиш ҳаракатида, уларни ҳам биз номзод сифатида рўйхатдан ўтказишимиз мумкин, бунинг учун участка сайлов комиссияси раислари вазифасидан четлатилади... Демак, сайлов комиссияси мутасаддиларики номзодини қўйиши мумкин экан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази раҳбари ҳам бундай ҳуқуқдан фойдаланиши табиийдир. Қонунчиликда бу борада ҳеч қандай чеклашлар йўқ.

Агар жаноб Саидов таниқли ҳуқуқшунос, қатор ҳуқуқшуносликка оид китоблар муаллифи ва айниқса Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази Раиси экани эътиборга олинганда, эҳтимол юқоридаги саволга ҳожат қолмасди. Оддий мантиқ: ўзи ҳуқуқшунос бўлган одам кўр-кўрона қонунга қарши борармиди?

Бу билан А.Саидовни депутатликка жудаям муносиб шахс дея кўкларга кўтариб мақташ ёки юқоридаги саволи ушбу мақолага сарлавҳа бўлишини хаёлига келтирмаган журналистни оқ калтак - қора калтак қилиш ҳам эмас. Жаноб Саидов депутат бўладими ёки йўқ - сайловчилар ҳал қилади. Бироқ журналист салоҳияти, унинг сиёсий онги нечоғли экани фақат ва фақат унинг ўзига боғлиқ. Тан олиш керак, МСК Матбуот марказида бўлиб ўтаётган ҳар икки анжуманнинг бирида мудом ўзбек журналистлари "қовун тушириш"ни канда қилишмаётир. Гоҳ, Марказий сайлов комиссияси Раисига "парламентимизга "ваҳҳобий" оқимига хайрихоҳлар келиб қолмаслиги учун нима қилишимиз керак?", дея савол ташласа, гоҳо "қайси партиядан номзоди кўрсатилган одам ютиб чиқиши мумкин?", дея сўроққа тутади. Бу ҳол албатта сайлов қонунчилигини яхши билмаслик, умуман савод масаласи бизда ҳаминқадар эканининг белгисики, қилаётган ишларимиз, ёзаётган мақолаларимиздан қониқиш ҳосил қилинмаётгани жуда ўринли. Модомики, Марказий сайлов комиссияси ходимлари сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтиши, бу жараёнда қонун, демакки, номзод ва сайловчилар ҳуқуқи бузилмаслиги ниятида тинимсиз меҳнат қилаётган ҳамда амалга оширган, оширaётган ишлари хусусида ҳар ўн кунда журналистларга ҳисобот бераётган экан, шу ҳақда ОАВда тузукроқ чиқишлар бўлишини ҳақли равишда кутади-да! Ахир матбуот конференцияси ўтказишдан мақсад фақат журналистларгагина янгилик айтиш эмас, улар орқали мамлакат сайловчиларини ахборот бериши икки карра икки - тўртдек аён... Узр-ку, муаллиф ўзини сайловолди жараёнларни зўр ёритаётган журналист сифатида даъво қилаётгани йўқ, фақат ақлли, ўйлаброқ савол берайлик, чет эллик ҳамкасбларимиз олдида хижолат чекмайлик деймиз-да, биродарлар!

...Бу сатрлардаги анжуманда Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёнида Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларнинг тартиблари, номзодларга қўйиладиган талаб ҳамда рўйхатга олиш муддатлари, бу борада қилинаётган ишлар хусусида гап бўлди.

Кўпчилик ўйлайдики, истаган одам депутатликка номзод бўлиши, ҳаттоки сайловда ютиб чиқиши ҳам мумкин, деб. Бу фикр, албатта, аввалги сайловлар нечоғли ўтгани таъсирида юзага келгани аниқ. Бу сафарги депутатлар юқори идоралардан эмас, оддий фуқаролар томонидан танланади; сайловда соғувчими, бригадирми ёки тадбиркор ва ё ҳоким ғалаба қозонадими, буни - вақт кўрсатади. Бундан ташқари, қасддан жиноят содир этиб илгари судланган фуқаро (гарчи қамоқдан чиқиб, милён-милён пули бўлса-да!) депутат бўлиш тугул, номзод ҳам бўла олмайди. Шунингдек, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчилари, МХХ, ИИВ ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал ходимларига ҳам талаб шу. Ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш ҳақида ариза беришлари шарт. Агар бундай ариза бўлмаса улар ҳам рўйхатдан ўтмайдилар. Ким билсин, юқорида тилга олинган шахслар, хусусан, судьялар, прокуратура ходимлари депутат бўлиб қонун ижод қилишдан кўра, парламентда қабул қилинган ўша қонунлар ижросини назорат қилиш ёинки уни бузган фуқароларга жазо беришни афзал билмоқдалар чоғи, ҳозирча лавозимидан кечиб депутат бўлиш ҳаракатига тушган айрим маъмурий идораларнинг мансабдор шахсларини топиш амримаҳол. Майли, бу - уларнинг ҳуқуқи, бизнинг маслаҳатимизга кўзи учиб тургани ҳам йўқ. Ҳар икки ҳолатда ҳам қонун устивор бўлса - биз шундан манфаатдормиз.

МСК Матбуот марказида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддаларида белгиланган тартиблар, уларга қатъий амал қилишга қаратилган Марказий сайлов комиссияси фаолияти хусусида кўп ва хўп гаплар бўлди. Биз эса бўлиб ўтган анжуман ҳақида ахборот бериш баробарида кўнгилга инган мулоҳазаларни ҳам ўртага ташлашга жазм қилдик. Ўтлаброқ кетган бўлсак узр.

Дарвоқе, анжуман ниҳоясида Марказий сайлов комиссияси "Ахборотномаси"нинг 2-сони тарқатилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ташаббускор гуруҳларга **Оммавий ахборот воситаларидан тенг ҳуқуқда** фойдаланишларини таъминлаш бўйича ЙЎРИҚНОМАСИ ҳам чоп этилибдики, ундан айрим иқтибослар келтирган ҳолда ушбуни ниҳоялаcак, биров бизни айбситмас:

"... Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча даврий нашрларда сайловолди ташвиқотларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар ҳақида ахборот ёки бирор маълумот берадиган бўлса, худди шундай миқдорда ва ҳажмда тегишли округдаги бошқа номзодлар ҳақида ҳам нашрнинг келгуси сонларида ўша тартибда маълумот берилиши шарт".

"...ОАВ номзодларнинг сайловолди дастурлари, чиқишлари учун тегишли округдаги барча номзодлар учун тенг шароитлар, (барча учун эфир вақтини, кўрсатув, эшиттириш давомийлигини бир хил белгилаш, нашрларда бир хил миқдор ва саҳифада чоп этиш) яратишлари мажбурийдир"...

"... Сайловолди ташвиқоти бошлангунга қадар сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг фаолиятини ОАВда ёритиш Марказий сайлов комиссияси томонидан таъқиқланмайди, лекин сиёсий партияларнинг фаолияти, сайловолди ҳаракатларини партия раҳбари ёки вакилларининг сайловчиларни партияни сайловда қўллаб-қувватлаш, унинг аъзоларига овоз беришга даъват этувчи (чақирувчи) мурожаатлар, чиқишлар ёки шу маънони ифодаловчи бошқа кўринишдаги ҳаракатлар таъқиқланади".

Т.АКБАРОВ

Сайлгоҳ кўчасининг одам гавжум, сершовқин манзараси кўз олдимдан кетмайди. Ўшанда мактабга эндигина қатнаётган, ҳали ҳамон орзу-ниятларим интиҳоси чегара билмаган, хаёлимда бир рассом бўлиб, бир ҳайкалтарош бўлиб, улғаяётган қизалоқ эдим. Ўшанда санъатнинг бу турини шунчаки ҳаваскорлик билан ҳам эпласа бўлади, деб ўйларканман. Аммо бу заҳматнинг орқасида қанчалар истеъдод, меҳнат-машаққат ётишини хаёлимга келтирмаган эканман...

ЗУМРАД

"КИЧКИНА ТАБИБ" КУТАЯПТИ

ўзбек фильмлари ҳафталиги

Бу ҳафта пойтахтимиздаги Лисунова кинотеатри томошабинлар билан ҳар қачонгидан-да гавжум. Негаки, бу ерда энг яхши ўзбек миллий фильмлари кинофестивали бўлиб ўтмоқда.

-Намойиш этилаётган фильмлар орасида номи аллақачон тилдан-тилга кўчиб улгурган "Севги", "Отамдан қолган далалар", "Кичкина табиб" фильмлари бор,-дейди кинотеатр директори Мираҳмад Саъдиев.

Сўнгги йиллар ўзбек кино ижодкорларининг энг сара асарларини томоша қилмоқчимисиз?

Марҳамат, Лисунова номидаги кинотеатр хизматингизга мунтазир!

13-14 октябрь **"Севги"**
15-16 октябрь **"Отамдан қолган далалар"**
17-20 октябрь **"Кичкина табиб"**.

Кино мухлислари учун кинотеатр манзилини эслатиб ўтамиз:

Тошкент шаҳри
Ҳамза тумани
Лисунова - 35.

(Метронинг Чкалов бекатидан 3- трамвай, 59-автобусларнинг Лисунова кинотеатри бекати)

Шошилинг! Сизни "Кичкина табиб" кутаяпти.

Ф.КОМРОН

Сайлаш: маданият, маънавият, маърифат

Кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Республика Маънавият-маърифат кенгаши ташаббуси билан республикамиздаги жамоат ташкилотларининг сайлов кампанияси давридаги бурч ва вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов кириш сўзида сайловнинг, сайлаш жараёнининг маданий, маърифий ва маънавий ҳодиса эканини алоҳида таъкидлади. Бу сиёсий тадбирда жамоат ташкилотларининг нечоғли фаоллик кўрсатиши лозимлиги ҳақида Кенгаш масъул котиби А. Болиев маъруза қилди. Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов сайловолди тадбирлари кун сайин қизғин тус олгани сайин етук жамоатчилик, хусусан, вилоятлардаги жамоат ташкилотлари фаоллари жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини қизитишлари зарурлиги, кенг омма орасидаги умумий хабардорлик, сиёсий етуклик муайян даражада талаблар даражасида эмаслигини қайд қилиб ўтди. Йиғилишда Маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлимлари етакчилигида ҳар бир вилоятда тарғибот гуруҳлари ташкил этиш келишиб олинди.

Йиғилиш ишида Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика Маънавият-маърифат Кенгаши раисининг ўринбосари Н. Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

МУХБИРИМИЗ

ЙЎҒ-Э! Хусусийлаштириш — ўзлаштириш

ОМАД СИЗГА, ЖАНОБЛАР!

22 сентябрь куни "Фидокорлар" миллий демократик партияси ўзининг иккинчи қурултойини ўтказди. Ташкил топган куниданоқ шиддат билан ишлаётган "Фидокорлар"нинг навбатдаги қурултойида бўлажак сайлов, унда партия иштироки, сайловолди платформа ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Унинг якунига кўра, "Фидокорлар" миллий демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига 227 нафар номзод кўрсатилди.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб Ислом Абдуғаниевич Каримовни кўрсатди.

* * *

8 октябрь куни Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳам сайловларга тайёргарлик бўйича бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилиши баробарида ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари қаторида ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Олий Мажлис депутатлигига ўзларининг 250 нафар номзодини илгари сурди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб партия етакчиси Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни кўрсатди.

* * *

9 октябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳам навбатдаги қурултойи ўтказилди. Мазкур қурултойда ҳам сайловга тайёргарлик масалалари муҳокама қилиниб, Дастур ва Низомларига тегишли ўзгартишлар киритилган ҳолда қабул қилинди. Бўлажак сайловда "Адолат" социал-демократик партиясининг 179 нафар номзоди депутатлик мандати учун курашадиган бўлди.

Қурултойда делегатлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини илгари суришга аҳдлашиб олдилар.

* * *

11 октябрь куни ўтказилган Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партиясининг навбатдаги қурултойида ҳам юқорида қайд этилган масалалар қизғин муҳокамадан ўтказилди. Партия фаоллари ўзларининг аввалги фаолиятларга танқидий кўз билан қараган ҳолда яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган қатор ва муҳим вазифаларни белгилаб олди. Бўлажак сайловда партиянинг 178 номзоди Олий Мажлисга депутат бўлиш учун астойдил бел боғладилар.

"Ватан тараққиёти" партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини кўрсатди.

* * *

12 октябрь куни "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам навбатдаги қурултойини ўтказди. Асосан зиёлилардан таркиб топган партия аъзолари олдинда турган муҳим сиёсий тадбир - Сайловга тайёргарлик ва унда фаол иштирок этишга қаратилган вазифалари муҳокама этилди.

Қурултой делегатлари ўзларининг 140 нафар аъзосини Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини илгари сурди.

* * *

Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. 11 октябргача бўлган маълумотларга кўра улар сони 184 нафарни ташкил этади. Ҳозирча, мустақил номзодлар ичидан 4 нафари вилоят ҳокимларидир.

Нима ҳам дердик, омад сизга, жаноблар!

ФУҚАРО ДАЪВОСИНИНГ КУЧИ

Оддий пенсионернинг туман ҳокими билан судлашгани ва бу иш ортидаги "ўйин"лар ёки "вафоти туфайли" жазодан қутулган жиноятчининг тўсатдан... яна тирилиши хусусида

ТАҲЛИЛ

Олис Сурхондарё замини ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Зеро, мозийга назар ташласак, деярли икки ярим минг йил муқаддам енгилмас Искандар Зулқарнайн айнан шу ҳудудда қўрқмас Спитамен бошчилигидаги маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Бунинг устига, Сурхондарё - Алпомиш ватани...

Бироқ биз Тошкентдан воҳа ҳаётидаги айрим кундалик ташвишлар оғушида келгандик.

Дарвоқе, "кундалик ташвишлар" деган ибора ўзимизга ҳам анчайин туссиз, ғариб туюляпти. Аслида, бизни, адвокат ва журналистни, ноте-

кис, сақич қуюлавверганидан қорайиб кетган, баъзан тулла-за бўйи тупроқ йўлла келти- 750 чақирим йўл боси латган. лишга мажбур этган аллари- сани оддий воқелик, н ўзаро лик ташвишлар қ ан "Али" асло қўшиб бўлмай онган ки- в орқали

Ишнинг ажабтов қарли жиҳати, бир мустақиллик дав ланаётган қонунч фатидек туюлади қилинг-а: одд туман ҳоким рибди!

Ахир, ўз кўринг, ав фуқаро дав вакили бўлга судлаша ол

...ГАН ...I... ...ган антиқа ..., озроқ

2-БЕТ

...ман судида ...нг гувоҳи ...пайти ...суд-

НАТО: ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН

3-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ: ТАКЛИФ ВА ИМКОНИЯТ

(Иккинчи мақола)

МУЛОҲАЗА

Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг Олий Мажлис ва Президентлик сайловларига тайёргарлик босқичи ўз ниҳоясига етмоқда.

Олдинда сайлов жараёнлари турибди. Шу муносабат билан айрим фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Ҳозирги сайлов босқичида кўпчилик сайловчи ва маҳаллий ҳамда хорижий кузатувчиларни "Сиёсий партиялар қандай сайловолди ҳаракат дастури билан сайлов ташвиқотига киришди, президентликка номзод этиб кимни кўрсатди," - деган савол қизиқтирмоқда. Маълумки, қатор партиялар сайловолди дастурлари лойиҳасини ўз нашрлари орқали эълон қилди. Фидокорлар миллий демократик партияси, шунингдек, "Адолат", "Ватан тараққиёти" партиялари ҳам яқинда бўлиб ўтган қурултойларида Ислом Абдуғаниевич Каримовни президентликка номзод сифатида кўрсатди. Чунки, партия сайловолди дастурида ифодаланган ғояларни ҳақиқий ижодкори ва фидойиси сифатида Ислом Каримовни танлади. Бу ушбу партияни жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига нисбатан билдирган қарашларидан келиб чиққан "сиёсий танлови"дир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўз қурултойида шундай "сиёсий танлов"ни амалга оширди ва А. Жалоловнинг номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатди.

Мен "Миллий тикланиш", "Адолат" социал демократик партияларининг сайловолди дастурини бир сиёсий тадқиқотчи сифатида синчиклаб ўқиб чиқдим ва қуйидаги хулосага келдим.

"Миллий тикланиш" демократик партияси илгари сураётган миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш орқали миллатнинг ўзлигини англатиш, миллий ғурур, Ватан туйғуси каби муқаддас тушунчаларни воқеликка айлантириш, ўзбек тилини давлат мақомига мос ва хос бўлишини таъминлаш каби интилишлари, "Адолат" социал демократик партиясининг жамиятнинг барча соҳаларида адолатни, қонун устиворлигини таъминлаш, бобокалонимиз Амир Темурнинг "Куч-давлатдадир" деган тамойилига изчил амал қилиш борасидаги қарашлари шак-шубҳасиз бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга тўла-тўкис мос келади. Демак, ушбу партияларнинг мақсад ва интилишларини амалдаги ҳокимият ифодаламоқда. Шундай экан, улар ҳокимиятга келишдан кўра **ҳокимият орқали ўз қарашларини ҳаётга татбиқ этишдан ва ҳокимият фаолиятини ижтимоий назоратда ушлаб туришдан кўпроқ манфаатдордир.** Бу эса демократик сиёсий бошқарув шароитида мутлақо табиий ҳодиса ҳисобланади. Айрим сиёсатчилар "ҳокимият учун кураш, бу — ҳокимият лавозимларига эга бўлиш ва уни партия аъзолари ўртасида тақсимлашдир", - деб талқин этишади. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув назарий жиҳатдан хато бўлиб, амалий жиҳатдан зарарлидир. Нима учун? Шунинг учунки, агар сиёсий партиялар "ҳокимият учун кураш" тушунчасига шундай маъно ва талқин берсалар, улар ўзларининг олдига ўз ғоя ва қарашларини ҳаётга татбиқ этишни эмас, **аксинча "ҳокимият"ни эгаллашни асосий мақсад қилиб қўйишади.** Бу эса сиёсий партияни ўз моҳиятидан бегоналаштириб, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятни вужудга келтириб ва бунинг натижасида манфаатдор гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш ўйинига сабаб бўлиши нодонга ҳам аён. Айрим қўшни мамлакатларда ана шу тарзда бошлаб юборилган сиёсий ўйин қандай оқибатларга олиб келганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Хўш, бундай сиёсий ўйиндан ким манфаат топди? Халқми? Партиями? Ёки ҳокимият тепасидагиларми? Афсуски, бунда ҳеч ким ғолиб бўлмайди, аксинча, ҳамма мағлуб бўлади! Энг ачинарлиси, халқ жабр чекади, жамият тараққиёти бир неча ўн йилларга ортда қолади. Бундан биз тўғри хулоса чиқаришимиз лозим. Айрим сиёсатбозлар таъкидлаганидек, сиёсат бу ўйин эмас.

Сиёсат, бу — бошқарув санъати демакдир. Бошқарув санъати эса бошқа санъатлар қатори табиат ва жамиятнинг маълум бир қонуниятларига бўйсундирилгандир. Инсоният ўзининг ҳаёти давомида ана шундай қонуниятлар асосида ташкил этилган жамият бошқарув шаклларининг энг олийси деб демократик бошқарув шаклини топди. Демак, демократия ҳам - санъат демакдир. У ҳам барча санъат қатори ўз такомилига мутлоқ етмаган, доимий изланишни тақозо этувчи ижтимоий ҳодисадир. Шундай экан, биз сиёсий фаолиятимизни "демократия" нима дер экан, бошқалар нима деб ўйлайди - деб сиёсий вазиятга қараб эмас, аксинча **қандай қилсак халқ манфаатини тўла ифодалаган, инсон ва унинг меҳнатини улуғловчи эркин жамиятни ташкил этамиз,** деган саволларга жавоб топиш асосида шакллантиришимиз лозим.

Кейинги пайтларда демократия мезони бу кўппартиявийликдир, сайловларда икки ва ундан ортиқ муқобил номзодларни кўрсатишдир ва ҳоказо каби талқинлар ижтимоий онг даражасига кўтарилди. Бу ҳам илмий нуқтаи назардан янглиш фикрдир. Демократия - бу танлов ҳуқуқи, иш бирлиги, ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг мувозанатини таъминловчи бошқарув шаклидир. Агар жамиятдаги барча муаммолар партиялар сонини кўпайтириш билан ҳал этилса, буни амалга ошириш мушкул эмас. Биз улар сонини исталганча орттириш имкониятига эгамиз ва уларга исталганча ном ҳам топа оламиз. Агар ҳамма муаммоларнинг калити, жамият фаровонлигининг омили бу сайловларда кўпроқ муқобил номзодлар кўрсатишда бўлса, уни ҳам исталганча қилиш мумкин... Аммо, бу билан муаммолар ечилиб, жамият фаровон бўлиб қолмайди. Ҳамма гап яна ўзимизга, бизнинг онгимиз, шууримизга бориб тақалаверади. **Шундай экан, сиёсий жараёнларга эҳтирос, ҳиссҳаяжонга берилиб эмас, бугунги шарт-шароит, воқеликдан келиб чиққан ҳолда ёндошмоқ лозим.**

Шуни унутмаслик керакки, демократияни сунъийлаштириш, уни мазмунсиз шаклга айлантиришга ҳаракат қилиш — демократияга қилинган таҳдиддир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш керакки, агар "Миллий Тикланиш", "Адолат" сиёсий партиялари бугунги ҳокимият фаолиятида ўз дастурларининг ифодасини кўраётган бўлса, улар ўз олдиларига мавжуд ҳокимиятни қўллаш ва унинг устидан ижтимоий назорат ўрнатишни мақсад қилиб олган.

Бундан кўринадики, ушбу партиялар ҳам Фидокорлар миллий демократик партияси каби "сиёсий танлов"ни амалга оширишлари мумкин. Бу эса асло демократияга зид бўлмайди. Аксинча, мақсад, танланган йўл асосида амалга оширилган объектив ҳаракат бўлади. Мен тадқиқотчи сифатида бундай "сиёсий танлов" ни ижтимоий-сиёсий зарурият деб биламан. Бунинг тўртта объектив сабаби бор.

Биринчидан, Мустақилликнинг саккиз йиллик тажрибаси танланган сиёсий йўлнинг тўғрилигини исботлади ва у ўзининг дастлабки меваларини бера бошлади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ўтказилиши кўзда тутилаётган сайловлардан мақсад — мавжуд сиёсат ва ҳокимиятнинг давомийлигини таъминлашдир.

Учинчидан, Халқни мавжуд ҳокимиятга бўлган ишонча, эътиқоди...

Тўртинчидан, Мустақил Ўзбекистон сиёсий тизимига қарши қаратилган маънавий ва ҳарбий таҳдид.

Шуни унутмаслик керакки, ҳозир Қирғизистон жанубида содир этилаётган воқеалар у ёки бу шахсга қарши қаратилган эмас, у энг аввало сиёсий тизимга, яъни "демократия"га қарши ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда демократик кучларнинг бир ёқадан бош чиқариб амалий ҳаракат қилишлари ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бу эса Ўзбекистонда осойишталик, барқарорлик, хавфсизликни сақлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шавкатбек МАМАДАЛИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

"Ҳуррият" 1999 й. 13-19 окт. 1-бет.

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА ҲУРРИЯТ 1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

ФУҚАРО ДАЪВОСИНИНГ КУЧИ

Оддий пенсионернинг туман ҳокими билан судлашгани ва бу иш ортидаги "ўйин"лар ёки "вафоти туфайли" жазодан қутулган жиноятчининг тўсатдан... яна тирилиши хусусида

компартиянинг биринчи котиби ёки райижрокўм раиси жавобгар сифатида суд залига ташриф буюриши мумкинлиги етти ухлаб тушингизга кирганмиди?

Албатта йўқ! Бундай воқеани ақл бовар қилмас эди. Чунки ҳеч қандай суд - фуқаролик ёки маъмурийлигидан қатъи назар - бундай ишни қабул қилмасди, тамом-вассалом!

Биз Сурхондарёда ана шундай суд жараёнининг гувоҳи бўлдик. Ишнинг ўзи, қонуний асоси, конституциявийлиги борасида биз мақола давомида фикрлашамиз, ҳозирча эса мазкур жараённинг юзага келиш факти ҳақида гаплашсак. Зеро, бу ҳолатнинг ўзи кўпчиликни ҳайратга солиши аниқ.

Эҳтимол, сиз бунинг нимаси ажабланарли, дерсиз. Моника хоним АҚШдек мамлакат Президентини судма-суд судраганида бизда бир пенсионер ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб туман ҳокимини судга берса берибди-да! Шундайку-я, лекин буёғини эшитинг.

Денов туманида яшовчи, аввал ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган, ҳозир пенсияда бўлган Ж.Туркманов Сариосиё тумани ҳокими Қ.Холдоровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, инсоний қадр-қиммати, шаъни ерга урилгани ва бунинг оқибатида саломатлигига зиён етгани учун жавобгардан 6065 сўм ундириб беришларини талаб қилди! Айнан мана шу даъво сабабли биримиз бу жараёнда жавобгар Холдоровнинг адвокати сифатида, бошқа биримизни - республика миқёсидаги ягона мустақил газета журналистини эса "оддий фуқаро"нинг ҳукумат вакилига қарши суд ишини кўзғаш фактининг ўзи қизиқтириб қолди. Тан олиш керак, материал журналист учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам жуда мароқли, қизиқарли, ҳаттоки маърифий ва сабоқ бўларли даражада аҳамиятли. Чунки шу ҳодиса пайдо бўлганининг ўзиёқ жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, қолаверса, ҳуқуқий ҳаётида ортга қайтмас ислоҳотлар бўлиб ўтаётганидан шоҳидлик беради.

Мазкур иш ҳужжатлари билан танишишга чоғланарканмиз, бу жараёнга кўп вақтимиз кетишини бўйнимизга олиб қўйган эдик (бу тарздаги фуқаролик ишлари ойлаб, баъзан йиллаб чўзилиши сир эмас), чунки даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш учун одатда кўплаб гувоҳлар ва сон-саноқсиз қоғозларни тўплайди. Бироқ кўрилаётган иш материаллари тўпланган юпқагина папкани очарканмиз, аввал ҳафсаламиз пир бўлди, сўнг эса ҳайратда қолдик. Нега?

Гап шундаки, даъвогар Ж.Туркманов томонидан исбот, факт сифатида тақдим этилган жами ҳужжатлар қуйидагилар эди, холос: **Ж.Туркманов томонидан Сариосиё туман судига берилган даъво аризаси бўлиб, унда даъвогар Холдоров билан ораларида бўлиб ўтган жанжал оқибатида хасталаниб, шифохонага тушгани ва дори-дармонларга 6065 сўм сарфлаганини ёзиб, жавобгардан шу миқдордаги моддий зарарни ундириб беришни талаб қилади. Иккинчи ҳужжат эса Туркманов туман поликлиникасида 11 кун муолажа олганлиги ҳақидаги касаллик варақаси...**

Мазкур фуқаролик ишига оқ фотиҳа берган адолат посбонлари (суд ва прокуратура органлари) қонуний йўл тутишган-тутишмаганлиги масаласига қуйирокда яна тўхталамиз, ҳозир эса... даъвогар Ж.Туркмановнинг аризасини қабул қилиб олган суд органлари фаолиятига тўхталсак.

Даставвал ариза ёзилган ва бу ариланинг юқори маҳкамалар бўйлаб йр-саёҳат" қилган кунлари саналаэътибор қаратайлик.

аввало Сариосиё туман суди раКаримов номига ёзилган даъво да **18.06.98 йил** санаси ту-

маганда бу ариза Сурхондарё дининг раиси Н. Сатторов сто- бўлади. Раис дарҳол ишни иб юборади ва **24.08.1998 ир йўла тўрт жойга мани судининг раиси Сариосиё тумани суди расини бажарувчи З.Кавогар Ж.Туркмановга Сариосиё тумани оровга) махсус хизи юборилиб, унда кмановнинг жавобмани ҳокими Қ.Холган инсоний қадрмоя қилиш ҳамда ридаги заварни унсидаги фуқаролик боскич судида (яни, судида) кўрилиб, са чиқариш лозимлитилган.**

ни туман биринчи боскич суди серайлик) юқоридан олинган буйда дарҳол "лаббай" дея жавоб берди ва... жавобгар ҳоким Холдоровга нисбатан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига таянган ҳолда 19 октябрда фуқаро **Ж.Туркмановнинг даъво ва бошқа эътирозларини қаноатлантирмаслик хусусида ажрим чиқарди.**

Ҳақиқат қарор топгандек, ҳоким Холдоров хотиржам тортиши, бошидан ошиб-тошиб ётган давлат юмушлари билан бемалол машғул бўлавериш мумкин эди.

Бироқ... ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, тўғрироғи, бутунлай тескари тус олди. Орадан деярли тўққиз ой ўтиб, 1999 йилнинг 2 июлида вилоят судининг раиси Н.Сатторов кабинетида 30-РФ-99-сонли янги ваҳимали расмий ҳужжат имзоланади ва бу ҳужжат энди нақ 6 жойга жўнатилади. Яъни олдинги расмий ҳатдан бизга маълум адресларга қўшимча ўлароқ Денов туман суди раиси У.Давронов (Ж.Туркмановнинг янги аризаси айнан Денов-да кўрилиши керак эди), Сурхондарё вилоят прокурори Ш.Шукуров, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Ч.Аллаёровларга йўлланди.

Ўҳў, дейиши мумкин ўқувчи ва кўнглига оралаган шубҳани баралла айтиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас: вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг барча раҳбарлари Холдоровга қарши енг шимарганида бир гап борми?

Хўш, мазкур расмий ҳужжат нима ҳақда эди?

Бор-йўғи: бир зарбда Шўрчи туман судининг ажрими бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун Денов туманига юборилган.

Бу қарор нимага асосланилган? Сурхондарё вилоят суди Раёсатининг 1999 йил 25 июнидаги қароридан қисқартирилган иқтибос келтирамиз:

"1999 йил, 25 июнь Термиз шаҳри

Сурхондарё вилоят суди Раёсати... раислик этувчи Сурхондарё вилоят судининг раиси Н.Б.Сатторов, Раёсат аъзолари Х.Тоғаев, А.Муродов-лар таркибида, Сурхондарё вилоят прокурори Ш.К.Шукуров иштирокида Шўрчи туман судининг 1998 йил 19 октябрдаги даъвогар Ж.Туркмановнинг... фуқаролик иши юзасидан чиқарган ажримига Сурхондарё вилоят судининг раиси томонидан киритилган протестга асосан ушбу фуқаролик иши кўрилиб, Раёсат қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Туркманов Жума жавобгари Сариосиё туман ҳокими Қ.Холдоровга нисбатан судга даъво қўзғатиб, 1998 йил 3 март куни қабулига киргани учун мазаси қочиб **касалхонага тушиб 11 кун ётиб даволаниб чиққанлигини,** даволаниш учун олган дори-дармонлар ва бошқа ҳаражатлар учун 6065 сўм сарфлаганини, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрганлигини, шуларга асосан ҳоким муовинлари иштирокида кечирим сўраб, 6065 сўм зарарни ундириб беришликни сўраб мурожаат этган.

...Суд ушбу фуқаролик ишини 1998 йил 19 октябрь куни кўриб чиқиб, **судда кўришлик учун етарли далиллар мавжуд эмас, касалхона харажатлари учун даъвогар ҳеч бир тан жароҳати олмаганлигини, қолаверса ушбу ариза судда кўришга тегишли эмас**(таъкид бизники — **муаллифлар**), деб даъво аризани қабул қилишдан рад этиш ҳақида ажрим қабул қилган..."

Шундан кейин ҳужжатда Фуқаролик процессуал кодексининг 153- ва .152-моддаларига асосан ариза тушган кундан бошлаб ўн кун ичида суд асослантирилган ажрим чиқариши, даъво рад қилишининг сабабини кўрсатиши, даъвогар ёрдам сўраб ёки норозилик билдириб шикоят ёзадиган юқори маҳкама кўрсатилиши керак, дейилади. Ўқишда давом этамиз:

"... Суд ишни кўришда ушбу модда талабини қўпол равишда бузиб, ишни кўришни сансалорликка солган, яъни фуқаролик иши туман суди иш юритувчига 1998 йил 3 сентябрь куни қабул қилинган бўлса-да, ишни кўриш муддатлари қўпол равишда бузилиб, 1998 йил 19 октябрь куни асослантирилмаган ажрим қабул қилиб, ажрим нусхаларини тарафларга қонунда белгиланган муддатда топширмасдан... даъвогарга қайси органга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилмаган.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 360-361-моддаларини қўллаб, Сурхондарё вилоят суди Раёсати

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Шўрчи тумани судининг 1998 йил 19 октябрь кунидаги даъвогар Туркманов Жуманинг жавобгари Сариосиё туман ҳокими Қ.Холдоровга нисбатан "инсон қадр-қиммати ва 6065 сўмни ундириш" ҳақидаги фуқаролик иши бўйича чиқарган ажрими бекор қилинсин.

Ишни янгитдан кўришлик учун Денов туман судига юборилсин.

Протест қаноатлантирилсин.

Сурхондарё вилоят суди Раёсатининг раиси Н.Б.Сатторов".

Энди нафасни ростлаб олсак ҳам бўлади.

Олдиндан бир нарсани таъкидлаб қўяйлик: мазкур ишни ойдинлаштиришга уриниш, ҳақиқатни излаш асносида биз айрим амалдорларнинг ноқонуний, айтиш мумкинки, жинояткорона хатти-ҳаракатлари хусусида шу қадар мўлкўл фош этувчи ҳужжатларга эга бўлдикки, уларнинг айримлари билан ўқувчиларимизни таништириб ўтмаслик бағоят инсофсизлик бўлур эди. Ва қайд этамизки, пенсионер ва ҳокимнинг судлашишига оид ҳикояни шу ерда тўхтатамиз-да, (ахир бу иш йиллаб чўзилиши мумкин) бунга билвосита боғлиқ ҳолатлар ҳақидаги гапга ўтамиз.

Шояд, Президентимиз XV сессияда айтганидек, матбуотнинг назоратчилик вазифаси ёрдам берса! Балки порахўрлар, давлат хазинасини ташмаловчилар ва бошқа қонунбузарларнинг эгри кўлларию дилларига тарсаки келиб тушар, балки оддий меҳнаткаш халқ, ҳалол тадбиркорлар қонун устиворлиги, адолат ҳамиша ғолиб келишини ўз кўзлари билан кўришар!

Ҳолдоров вилоятдаги кимнингдир қитиқ патига тегиб юрган экан чоғи, чарчамас Туркманов туман ва вилоят суди, прокуратурасидан ташқари вилоят ҳокимиятига, Президент девонига ва бошқа маҳкамаларга йўллаган шикоятлари юзасидан келаётган текширувчилар оқимининг кети кўринмай қолди.

Солиқ хизмати ва унинг кўп сонли тармоқлари.

Коррупцияга қарши кураш органлари.

Фақат мана шу маҳкамаларгина маблағлар ҳаракати ва бошқа бойиш воситалари йўлига қонуний тўсиқ қўйиб, уларни назорат қила олади.

Демак, айнан ана шу маҳкамаларда, хусусан, уларнинг орасида энг қудратлиси бўлган Прокуратурада ишончли ҳомий, раҳнамо бўлган тақдирдагина мавжуд назоратни четлаб ўтиш имконияти туғилади.

Гоҳо ғалати ибора қулоққа чалиниб қолади: савдо комплекси қурмоқчи, назоратчи органлардан қутулмоқчи бўлсанг - казо-казо амалдорлардан ўзингга суянчиқ топ!

Эҳтимол, Сариосиёда ҳаммага маълум ушбу сабаб туфайли юрист-пенсионер жаноб Туркманов ҳатто хаёлига ҳам келтирмайдики, бирон-бир тирик жон келиб ундан "камтарин" юрист-пенсионер Туркманов қурилиш ишлари учун икки ярим миллион сўмни (!) фақат ведмость бўйича маош сифатида ишчиларга қандай қилиб қуртдек санаб берганини (ҳужжатларда шу миқдор кўрсатилган) сўрашга журъат этолмайди.

Бунча пул осмондан тушмас, дерсиз, муҳтарам ўқувчи. Ҳақ гап. Бироқ юрист-пенсионеримиз туман собиқ прокурори Маллаевнинг яқин қариндоши эканлигини айтиб ўтсак саволингизга, ҳозиргина биз санаб ўтган даъволарга жавоб ва асос топарсиз...

Дарвоқе, даъвогар ва прокурорнинг қариндошлиги хусусида қўлимизда аниқ ҳужжат йўқ. Бироқ бундан қатъий назар, собиқ прокурор ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керакка ўхшайди. Бу зот қошида туманнинг каттаю кичиги қалтираб турган. Прокурор ҳам ҳаммани - ҳокимнинг ўринбосарларини, хўжаликлар раҳбарларини ҳузурига чақириб, ўхшатиб сўкишдан ташқари қайси майдонга нима, қачон экилишини ҳам шахсан ўзи кўрсатиб турган (ГПУ ва НКВД ҳам шўро илк даврида қутургандан қутургани ёдга тушади, ахир улар ҳам колхозчиларга нима экиш, олимларга нимани кашф қилиш, адибларга нимани ёзиш бўйича қимматли маслаҳатлар бериб турган).

Сариосиё туман ҳокими биринчи ўринбосарининг икрор бўлишича, шундай йиғилишлардан бирида туман прокурори (собиқ прокурор айни кунларда вилоят прокуратурасидаги масъул лавозимда ишламоқда) барча хўжалик раҳбарларига зудликда ғалла экишни буюради (воқеа сентябрь ойи охирларида бўлмоқда эди). Мутахассисларнинг бирон бир эътирози инобатга олинмади. Буйруқ ошиғич адо этилмаган тақдирда бошқа жойда "гаплашиб қўйиш" билан дўқ ураётган прокурорга бироз қарши гапиролмай қолди, зеро, "бошқа жой"нинг аслида қанақа жой эканлиги ҳаммага аён эди. Шундай қилиб, буйруқни бажаришга киришилди. Лекин мутасаддилар сих ҳам куймасин, кабоб ҳам қабилида иш тутишга ҳаракат қилди-да, прокурор буйруғини адо этиб, ғалла учун ажратилган ернинг... 30 фоизига уруғ қадаттиради, холос.

Сариосиёда қолган 70 фоиз ерга уруғ октябрь охири - ноябрь бошида, яъни ер айни тобига келганда, тажрибали деҳқонлар кўрсатиб турган муддатларда экилди. Натижада келгуси йили туман ғалла топшириш режасини адо этди. Айнан ўша ўз вақтида экилган 70 фоиз ер ҳисобидан!

Прокурор Маллаев амри-фармони билан дон экилган ерлардан эса мўлжалдаги ҳосилнинг учдан бири йиғиб олинди, холос. Хўш, ўз иши билан машғул бўлмай, мутахассисларга "киммат-ли" кўрсатмалар бериб юрган қонун посбони ўзининг қуюшқонга сиғмайдиган бу фаолияти билан давлатга, халққа неча сўмлик фойда келтирди?

Ҳаммани итоатда тутишга уриниш эса охир-оқибат айнан ўша казо-казолар томонидан қонунни мутлақо менсимасликка, "айтганим айтган, деганим деган!" қабилидаги кайфиятга олиб келади. Мана, бир мисол. 1994 йилнинг июнида Тожикистон фукароси Собир Сатторов Сариосиё туманининг ДАН постида қўлга тушади: унинг машинаси текширилганда 31 дона гугурт қутисига жойланган наркотик моддаси (марихуана) топилади. Бу факт юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Гарчи терговчи айблов хулосасида айбланувчини "оғир жиноят" содир этганликда айбласа-да, эҳтиёт чорасини ўзгартирмайди. Иш судрала-судрала қўшни туманга — Денов туман судига чиқарилади. Денов туман суди судьяси масала моҳиятини тезда идрок этган чоғи, С. Сатторовнинг эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол қамоққа олиш ҳақида ажрим чиқаради, бироқ бу пайтга келиб, судланувчи жуфтакни ростлаб қолгани боис иш яна прокуратурага қайтарилади. Прокурор Н. Маллаев эса бу сафар ишни Сариосиё туман судига ўтказар экан, С. Сатторов устида ажрим чиқарилгани ва у туман ИИБ томонидан судга тутиб берилишини таъкидлайди. 1995 йилнинг декабрь ойида жаноб Н.Маллаев яна бир хатга имзо чекади. Унда қайд этилишича, айбланувчи С. Сатторов... вафот этгани боис жиноят иши бўйича қонуний тўхтамга келиниши керак. Мазкур хатга айбланувчининг ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома ҳам илова қилинадики, шу билан жиноят иши ёпилади-қолади. Қизиғи шундаки, ўлганлик ҳақидаги гувоҳномада аёл номи (Сатторова Фароҳат Абдукаримовна) зикр этилганки, бунга на ИИБ бошлиғи, нада терговчи ё прокурор "эътибор" беради. Бундан ҳам қизиғи кейин чиқади: 1999 йилнинг баҳорида "марҳум" С. Сатторов яна қўлга тушади ва... ўша 1994 йилда содир этган жинояти учун суд қилинади, бироқ амнистияга илиниб, жазодан қутулади... (Бу воқеа унинг қудратли ҳомийлари юқорига кўтарилиб кетган чоғда содир бўлади.)

Прокуратура вакили эмас, бошқа биров шундай жиноят қилганидами эди, ҳай-ҳай. ЖК моддаларидан гулдаста ясаб, бемалол бўйнига осиб қўйиш мумкин бўларди! Судья З. Каримовга ҳам қойил. Агар унда озроқ журъат бўлганда эди, суддан қочиб кетгани ва ҳатто сохта ҳужжат тақдим этгани учун айбланувчининг бўйнига яна иккита модда илиши ва унга бундай шароит яратиб берган терговчи ва прокурорга нисбатан ҳеч қурса ЖПК талабларига мувофиқ хусусий ажрим чиқарган бўларди...

Юқоридаги мисол тумандаги қонун посбонларининг нечоғли қудратли эканини яққол кўрсатиб турибди...

Туманда кўплар бу фактдан хабардор эдилар.

Лекин миқ этиб оғиз очолмасдилар. Зеро, ўзларини туман хўжайини ҳисоблаб юрган бу казо-казолар истаган одамни истаган маҳал қамоқхонага тиқиб қўйиб, истаганча ушлаб туришлари, бечораниг тушига ҳам кирмаган айбларига иқрор қилдиришлари мумкин эди (бир тадбиркор Н.Маллаевга ёқмай қолганлиги учун 9 ой тергов изоляторида ўтириб чиқди, бу орада жўнатишга тайёрлаб қўйган 240 тонна ерёнғоғи чириб кетди, натижада тадбиркор "синди"), айни пайтда улар истал-ган хавфли жиноятчини ўз паноҳларига олиб, озод этиб юборишлари мумкин. Эҳтимол, айнан мана шундай ишончли қалқон, "танка" борлиги учун ҳам ҳақиқий тадбиркорлар эмас, пенсионерга ўхшаш тап тортмаслар қонунпонунни писанд қилмай, улкан иншоотлар соҳибларига айланиб қоларлар?..

Албатта, зукко ўқувчи бизнинг "тирилган мурда" ҳақидаги ҳикоямизга ишонмаслиги ҳам мумкин. Бироқ факт фактлигича қолади ва, афсуски, бундай ажабтовур ҳодисалар бизнинг ҳаётимизда бот-бот учраб туради.

Мисол учун, Тошкент шаҳрининг Миробод туман судида бўлиб ўтган уюшган ўғрилик юзасидан суд жараёнида прокуратура айбловчиси Сайдахметова касаллиги пеш қилиб, Тошкент шаҳар судининг судьяси Ш.Шорахмедов раислигидаги судга келмади-да, айблов нуқтини ўғлидан бериб юбораркан, шуни судда ўқиб беришларини илтимос қилибди. Ваҳоланки, бу суд жараёнида айбланувчига 15 йилга қадар озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиш хавфи бор эди.

Ёки бўлмаса: пойтахт прокуратурасидаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Турсунов тергов ҳужжатини сохталаштиради ва ҳеч хижолат чекиб ўтирмасдан уни жиноий иш папкасига тикиб қўяди. Сўнг, судда гувоҳ сифатида иштирок этар экан, ноқонуний ҳаракати сабаблари ҳақидаги саволга Турсунов чин дилдан ажабланиб, ўз ҳаракатида ҳеч қандай жиноят аломати йўқлигини, чунки одатдаги вазифасинигина бажарганини баён қилди...

Яна бир ҳолат: вилоятда қонунчиликни таъминлашга масъул раҳбар ўз муовинлари ва бошқа гувоҳлар иштирокида бемалол суҳбатдошига бармоғини ниқтаб, пўписа қилаверади: "Олий Мажлис депутатими, катта амалдорми барибир, мен ундай одамни эзиб ташлайман!"

Одамни ваҳима босиб кетади. Чунки биз ўзимиз овоз бериб, ўзимиз сукут сақлаб Сталин даври чарм қурткали ходимлари кўринишининг ўзиёқ ҳар қандай одамни совуқ терга ботирадиган ГПУ, НКВДларига монанд кўрқинчли орган юзага келишига сабаб бўлдик.

Прокуратура ҳақидаги Қонунга биноан ҳеч ким унинг фаолиятини текширолмайди, ходимларини сўроқ қилолмайди, ҳибсга ололмайди, вазифасидан озод этиб, судга беролмайди. Бунинг учун юқорида турган прокурорнинг - то Бош прокурорга қадар - розилиги ва маъқуллови талаб этилади.

...Биз оддий пенсионер чол ҳокимнинг устидан судга шикоят ёзиш ҳодисасини жамиятимизда ҳуқуқий маданият ва қонунчилик устивор қудратга эга бўла бораётганининг бир далолати сифатида баён этмоқчи эдик, афсуски, пенсионерни ботир қилган асл сабабни ва унга қўшимча ўлароқ бошқа ҳолатларни аниқлагач, яъни мавжуд қонунларни ғараз ниятларда дастак қилиб олувчилар ҳам орамизда учраётгани оғир ўйларга толдириб қўйди.

Шундайми?

Ахир, эзгу мақсадлар кўзланган қонунни ўз мақсади, нафси йўлида хизмат қилдираётган прокурорлар ҳам учрар экан. Хўш, ким уларнинг ўзбошчимчалигига вақтида чек қўяди? Ҳокимгаки, Олий Мажлис депутатигаки, шунчалик тиш қайрашдан тап тортмаган прокурор оддий кишиларга нисбатан ўзини нечоғли адолатли тута олди экан?..

Биз вилоятдаги аҳволни умумлаштиришдан, шу соҳанинг барча ходимлари шундай дейишдан мутлақо йироқмиз. Биз бир туман прокурорининг бир иши теварагида туғилган, халқ орасида овоза бўлган кирдикори хусусидагина сўз юритдик. Шу боис исмини ошкор этмаслигимизни илтимос қилган оқсоқол йўлбошчилигида Термиз шаҳрида кўчама-кўча юриб, кўп қаватли шоҳона қасрлару саройларни кўрганимизни, уларнинг барчаси вилоят миқёсидаги казо-казо раҳбарларга, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг нуфузли раҳбарларига тегишли эканини ёзмадик. Бу ҳолни нафақат Термизда, балки пойтахтимизда, шунингдек, барча вилоятларда кузатиш мумкин. Бундай ҳолатлар эса бутунлай бошқа мавзуни, турган гапни, бошқача оҳангни талаб қилади...

ИСФАНДИЁР,
ҳуқуқшунос,
Турсунали АКБАРОВ,
журналист

Боши 1-бетда

ГЎЗАРМИ ЁКИ ?..



Муҳтарам таҳририят ходимлари!

Сизларга минг бир истиҳола билан мактуб йўллаяпмиз. Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч ким ўз оиласи, маҳалласи сирини ўзгаларга билдиришни истамайди. Бироқ вазият танг бўлганида, ноҳақликлар суяксуякдан ўтганида бу истиҳолани ҳам унутишга мажбур бўлар экансан.

Маҳалламиз нафақат тумандаги, балки пойтахтдаги илғор маҳаллалардан эди. Бугунга келиб эса, маҳалла гузаридаги кўплаб иншоотлар хароба ҳолига келиб қолган. Бунинг сабабини кўпчилик маҳалла оқсоқоли Ўлмас Шукуровнинг мансабига бепарво қарашидан деб билади. Гузарнинг аҳволини таҳририятингизга юборган бир даста суратлардан ҳам билган бўлсангиз керак.

Тўғрисини айтиш керак, илгари оқсоқол даврида маҳалла бир мунча тинч эди. Маҳалла раҳбари халқ дардига малҳам бўлиб, ҳар бир ишда бош-қош бўларди. Яқинда "Тўқимачи комбинат" қизлари болалар нафақасини, моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида ариза билан Президент Девонига кўпчилик бўлиб чиқишди. Шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, туман ҳокими А.Мирқосимов зинҳор кечикмасдан маҳалладаги 6-ётоқхонага етиб келишди ва уларга зудликда қурилиш учун маблағ ажратиб бердилар. Бироқ булардан оқсоқолимиз бирон марта ҳам хабар олмади.

Ачинарли томони, болалар нафақасини, моддий ёрдам сўраб келган маҳалла фуқароларига раҳбаримиз қўпол муомала қилади, аризаларни қабул қилмайди. Гузар атрофидаги жуда ачинарли ҳолатни кўриб эса дилинг оғрийди. Бунинг ҳаммасига тадбиркор, маҳалла аҳли дилини тушунадиган раҳбар зарур. Биз қаерга мурожаат қилайлик? Ахир маҳалланинг кўп иншоотлари хароба ҳолига келиб қолдику. Бизга ёрдам беринглар!

С.ЮНУСОВ,
С.СУЮНОВА
ва бошқалар
Тошкент шаҳар "Ракат" маҳалласи фуқаролари
(жами 13 имзо)

ХАЛҚНИНГ МУШОҲАДА

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон фуқароларига "Сизга мустақиллик нима берди?" деган савол билан тез-тез мурожаат қилинаётганини ва бунга турли кишилар томонидан турлича жавоб олинаётганини кўряпмиз. Бу савол дафъатан жуда оддий, унча-мунча киши ҳеч қийналмасдан жавоб бериши мумкиндай туюлади. Аслида эса бу саволнинг салмоғи, ҳақиқий мазмун-моҳияти ҳар бир кишини ўйлантириши лозим. Чунки шу биргина савол бизни ҳамиша кечаги кунимиз ва бугунимизни, ютуғу камчиликларимизни, аламу шодлигимизни, армону шукронамизни, шўролар давридаги кунларимиз билан бугунги мустақиллик давримизни қиёслаб кўришимизга сабаб бўлиши керак. Фақат муқояса қилгандагина биз бугунги куннинг қадрига етишимиз мумкин. Бу қиёсда ҳар ким маънавияти, дунёқарашига яраша ўзига қулай бўлганини ёқлаши ҳам бор гап.

Шўролар даврида ҳозирга қараганда тўқ, бадавлат яшаган, мансаби юқори, иши яхши бўлган кишилар замон ўзгариб ўша фаровонликларидан ажраб қолгач, ўтмишини қўмсаб юргани ҳам тушунарлидир. Кўп ҳолларда эса кишилар бу саволга, гарчи ижобий бўлса-да, ўз шахсий тақдири мисолидагина жавоб беришади. Лекин биз бу саволни ўзбекка миллат сифатида, яхлит бир халқ сифатида берадиган бўлсак, бу савол замирида етган асосий мазмун-моҳиятни тўлиқ тушуниб етишимиз мумкин бўлади. Гапнинг очиғини айтадиган бўлсак, шўроларнинг ривожланган социализм даври деб байроқ қилинган 70—80-йилларнинг ўрталарида биз миллат, халқ сифатида сал бўлмаса ўзлигимизни йўқотиш арафасида турган эдик, деб айтсак хато қилмаймиз. Ўзлигимизни, ўзбеклигимизни бошқа миллатлардан ажратиб турадиган хусусиятларимиз йўқолаёзган эди. Ўз тилимизни "иккинчи она тили" - миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тилига, динимиз, иймон-эътиқодимизни шўролар атеизмига, тарихимизни КПСС, совет ва рус тарихига, маданиятимизни, маънавиятимизни социалистик совет маданияти, шарқона ахлоқимизни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига алмаштириш даражасига бориб етган эдик. Айтаётган фикримиз қуруқ, исботсиз бўлмаслиги учун 80-йиллардаги конкрет воқеликка бир назар ташлайлик.

Кейинги кунда жуда кўп юртдошларимиз яқин ўтмишни эслаганда Гдлян, Иванов-лар бошчилигидаги десантчилар олиб борган "пахта иши", "ўзбеклар иши"ни, ҳақли равишда ғазаб ва нафрат билан эслашади. Гдлян ва Марказдан келган бошқа десантчиларнинг Ўзбекистондаги қонунга зид қилмишлари, зўравонлиги, жиноятлари қоралаб кўрсатилади. Лекин Марказдан айнан Ўзбекистонга "десант" юборилганлиги сабабини ҳеч қайсимиз чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ўша пайтларда қўшиб ёзиш, порахўрлик нафақат Ўзбекистон, балки бутун собиқ иттифоқни қамраб олганлигини биламиз. Иттифоқдош республикалар халқ хўжалигининг барча соҳаларида бу иллат мавжуд эди ўшанда. Бундай бўлмасликнинг иложи йўқ эди, чунки унинг илдизлари Марказда эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Кундан-кун ҳар жиҳатдан путури кетаётган, харобага айланаётган, ёвузлик ва зўравонлик асосига қурилган бу социалистик тузум инсоният учун асли ёт эканлиги тобора аёнлашаётган эди. Ҳатто Болтиқбўйи мамлакатларининг ажраб чиқиш ҳаракатлари ошкор-ойдинлашиб қолган эди. Қандай бўлсада, бу таназзулнинг чорасини топиш керак бўлди(Қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик, горбачёвча демократия шиорлари ўртага тушди. Булар бари юзадангина ўзгариш бўлиб кўринса-да, моҳият эса ўзгармай қолаверди.). Бунгача шўро мамлакати бўйлаб юзага келган танг вазиятнинг, аслида мавжуд тузумга хос бўлган иллатнинг, "айбдорлари" излай бошланган эди. Уларни дастлаб Ўзбекистондан топа бошлашди.

Нега Марказқўм синалган отамерос сиёсатини - ўзига тобе ўлкаларни, халқларни мудом қўрқув исканжасида тутиб туриш, руҳан эзиш учун террор амалини айнан Ўзбекистондан бошлади? Бу мавзу муносабати билан айтилган фикрларда ҳақиқат бор. Тўғри, бошлаб ҳудуди, аҳоли нуфуси катта, хўжалик кўлами кенг юртда ўтказилган "тозалаш тадбири"нинг вақимаси катта бўлиши кўзда тутилди. Бу қатағон орқали шўро салтанати кучини пеш қилиб қўйиш, унинг вақимасини, дақшатини юракларга, онгларга сингдириш, миллий онг шаклланишига йўл қўймаслик, миллий кадрларни синдириш ва йўқотишга қаратилган эди. Лекин бизнинг фикримизча, десантчиларнинг айнан республикамизга юборилганлигининг асосий сабабини биз ўзимиздан-кидиришимиз лозим. Аччиқ бўлса-да, лекин ҳақиқатни тан олиш зарур. Бу пайтда аҳвол шу даражага бориб етган эдики, миллий манфаат, ғурур, ўзликни англаш туйғулари, тушунчалари ҳақида гапирган киши жиноятчига чиқарилиб қўйиларди. "Пахта иши" ғаразида бошида кичик бир гуруҳ билан келган Гдлян ва Иванов бошлиқ "десантчилар" фаолиятини қўллаб-қувватлаб, жиноятларни очадиган қўшимча кучлар, партия, ижроия органлари, хўжалик ташкилотларига раҳбар кадрлар сўраб Марказга илтижо қилган раҳбарлар ўзимиздан чиққан эди. Террор ижрочилари кичик гуруҳининг қонунсиз ва чекланмаган фаолиятига ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди. Оқибат шу бўлдики, кундан-кун улғайган, иштаҳаси юҳо тортган махлуқ бу юрт хўжасинининг ўзини ҳам домига тортиб кетди. Ўзимиздан чиққан маҳаллий мутахассислар эса Марказ десантининг назарига тушиш, мақтовини олиш учун берилиб хизматини қилишди. Дўппи сўрашса, қойилмақом қилиб бошни келтиришарди. Баъзи ҳолларда эса ўз хатти-ҳаракати билан улардан ўзиб кетишга уринган шоввозлар ҳам йўқ эмас эди.

Кенг халқ оммаси ўртасида десантчилар фаолиятини ёқлаш, уларнинг жасоратини, хизматларини тарғиботашвиқ қилиш борасида ҳам ўзимиздан чиққан раҳбарларнинг улуши катта бўлди. Халқимиз бошида кечган ўша талатўп замоннинг бир неча воқеасини хотирга олмоқчимиз...

Кирғин кампанияси авжига минган 80-йиллар ўрталарида ўша пайтлари Республика Прокурори ўринбосари бўлган Гайданов ТошДУнинг юридик факультети профессор-ўқитувчилари ва студентлари билан учрашувга келди. Бу "адолатпеша жаноб" ҳам шу вақтлардаги нотавон

МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

ОСТОНА ОРТИДАГИ ОЛАМ

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА

АМЕРИКА

Ниҳоят, самолётимиз Вашингтон аэропортига қўнди. Менга шундай туюлдими ёки бу ернинг иқлими шундайми, ҳар ҳолда кўча жуда дим, нафас олиш оғир эди. Боз

(Давоми. Бошланиши аввалги сонда)

устига, майдалаб ёмғир ёғар, Америка бундай ҳаво билан қарши олишини кутмаган эдикки, бироз каловлангандек бўлдик...

Мана, сафаримиз ҳам бошланди. Айни дамда Колумбия округи, Вашингтон шаҳридамиз. Бу ерда аҳоли сони 622 900 нафарни ташкил этар экан. Шаҳар баайни Потомак дарёси устида жойлашгандек... Потомак дарёси Мэриленд ва Вирджиния штатлари чегарасидан оқиб ўтади. Колумбия округи АҚШнинг пойтахти жойлашган жой сифатида 1791 йили Конгресс қарорига кўра ташкил этилган. Шаҳарнинг юқори қисмида Капитолий, яъни қонун чиқарувчи орган биноси жойлашган. Унинг шундоққина юқорисида Олий суд биноси қад ростлаган. Ундан 1,5 км узоқликда, шундоққина дарёнинг қирғоғида Оқ уй... Бу бинолар, жўғрофий нуқтаи назардан ҳам гўё ҳокимиятларнинг конституциявий бўлинишини яна бир бор таъкидлаб тургандай...

1812 йилги урушдан сўнг Вашингтон шаҳри жадал суръатда шаклана бошлади. Жорпетаун ва Александрия каби савдо марказлари ҳамда Чесапик ва Огайо каналларининг барпо этилиши шаҳарни катта савдо-молиявий ва корпоратив марказга айлантирди. АҚШнинг энг кучли 500 корпорациясининг деярли барчаси Вашингтонда штаб-квартирасига эга. Бундан ташқари Халқаро-банк, Халқаро валюта фон-

ди каби ташкилотларнинг штаб-квартираси ҳам шу ерда жойлашган.

Вашингтон — йирик илмий-маърифий марказдир. Бу ерда Америка университети, Католик университети, Жорпетаун университети, Ж. Вашингтон номли университет, Говард университети, Колумбия округи университети, Голлодет университети(Карлар учун йирик ўқув даргоҳларидан бири) жойлашган. Смитсон институти ўз таркибига 14 та музейни бирлаштирган. Уларнинг 12 таси Вашингтонда жойлашган. Бу биноларнинг барчаси тарихда машҳур ном қолдиришни истаган Смитсон томонидан ўз маблағлари ҳисобига қурилган.

...Вашингтондаги учрашувлар жуда мароқли ўтди. Унинг янада мароқлироқ бўлишига бизга бириктирилган автомашинанинг ҳайдовчиси Двейн ҳам ўз ҳиссасини қўшди. У қора танли, бўйи нақ икки метр, елкалари кенг, келишган йигит эди. Биз унинг олдида жуда кичкина кўринардик. У ҳар сафар машинага бизни деярли кўтариб чиқариб ва тушаётганимизда ҳам худди шундай бамисоли ўйинчоқ ушлагандай, кўтариб тушириб қўяр эди. Биз ўзаро гаплашсак, баъзи бир русча сўзларни тушунганини имо билан билдириб, маънодор жилмайиб қўярди. Гоҳо: "Ҳеч қачон бундай қувноқ гуруҳга ҳамроҳ бўлмовдим", дея хурсанд ҳам бўларди, хумпар. Биз ҳам ҳазиллашиб: "Ўзбекистонга борсанг, қувноқ қизлари сероб, сени зўрига уйлантириб қўямиз", десак, ҳазилимизга чиппа-чин ишонар, ҳай-ҳай демасак, келинпошшага сарпо қилгудек шашти бор боёқишнинг.

Юқорида айтганимдек, ҳомиладор эмасманми, дастлабки учрашувдаёқ, яъни ЮСИАда айрим мезбонлар менга ишора қилиб: "Ов! Бейби!" дея шундай иззат-икром кўрсатишдики, бундан хижолат тортаман, денг! Мезбонлар қорнимга қўлини қўйиб, "аю окей?"("Яхшимисиз? Қачон энди?") деб савол беришни қўймайди. Гўё мен уларнинг яқин кишисиман-у, улар менинг бахтимга шерикдай... Уларнинг самимияти, ўзгалар бахтидан бирдек шодланишидан бир қадар тўлқинландим ҳам...

Юрист бўлганим учунми, Адлия вазирлигидаги учрашувлар катта таассурот қолдирди. Биз вазирликнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва жиноий ишлар бўлимлари ходимлари билан учрашдик. Жумладан, бош прокурор муовининининг маслаҳатчиси Хелен Нортон ва бош прокурорнинг махсус маслаҳатчиси Джули Фернандес хонимлар билан, айниқса, Адлия вазирлигининг аёл ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбари Бони Кэмпбелл билан бўлган суҳбат анчагача ёдимда қолса керак. Бу аёл мазкур янги ташкил топган бошқармага шахсан Президент Б. Клинтон томонидан тайинланган ва мамлакатда аёллар ҳуқуқи, уларга нисбатан турли чеклашларнинг олдини олиш борасида давлат аҳамиятига молик дастур устида иш олиб бораётган экан. Бу ишни амалга ошириш ташаббуси ҳам шахсан Президентдан чиқибди.

Халқаро банк билан бўладиган учрашувимизни эса ҳамроҳларимдан бири — самарқандлик тадбиркор аёл Хадича опа Жафарова сабрсизлик билан кутаётган эди. Ниҳоят, кутилган вақт ҳам келди. Хадича опани микро-кредит олиш масаласи жуда қизиқтираётган эди, ўзини қизиқтирган барча саволларни ўртага ташладилар, лекин... жавоблардан қониқиш ҳосил қилмадилар. Сабабки... ҳар қандай кредит олиш учун, кредит олмоқчи бўлган шахс, ўз ҳукуматининг кафолатини олиши, шундан кейингина бу масала халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан кўриб чиқилар экан... Бу эса жуда мураккаб ва узоқ муддатли жараён эканлиги аён.

Хадича Жафарова - Самарқанд вилояти "Тадбиркор аёл" ассоциациясининг раиси, ҳақиқий тадбиркор, шу баробарида, фидойи аёл. Жуда қийин ҳолатлардан муваффақият билан чиққан. Самарқанд шаҳрида аёллар учун махсус ҳашаматли бино қурдирган. Бу ерга хоҳлаган аёл истаган чоғида келиб, ҳар кимга ҳам айтиб бўлавермайдиган сир-асрорлари ила ўртоқлашиб, керакли йўл-йўриқ, маслаҳат, ҳатто моддий ва маънавий ёрдам олиши мумкин. Шунингдек, бу ерда бухгалтерия, кулинария, компьютер ва каштачилик ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича бепул таълим берилади. Бирон бир зўрлик ёки хўрлик кўрган аёллар мазкур даргоҳга 24 соат давомида қўнғироқ қилиши ва гинеколог, психолог, сексопатолог ва бошқа мутахассисларнинг маслаҳатларини олиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Хадича опа фавқулодда ҳаракатчан, ғоят хушчақчақ аёл. У киши группамизнинг "мотори" эди, олти нафар мусофир аёл учун бир-биримиздан яқинроқ одам йўқ. "Сафар чоғида, ким бўлишидан қатъий назар, каттами, кичикми, амалдорми, оддий фуқароми, ҳаммаси бир хил мусофир. Шуни эсдан чиқармасак, олам гулистон!", - дея доимо таъкидлайди Хадича опа.

Сафар чоғида шунга амин бўлдикки, тараққиёт учун аёллар эркаклардан кам курашмаяптилар. Қанча ташкилотларда бўлмайлик, ўз иши, ўз касбининг фидойилари бўлган аёлларга дуч келдик. Бу эса бизнинг ҳайратимизни оширди. Ҳатто қўлидаги чақалоғи нари борса уч ойлик бўлган аёллар ҳам жилла қурса, жамоат ишлари билан банд. Назаримда бизда аёллар туғиб, то фарзанди оёққа тургунча уйда ўтириши натижасида ҳаётдан орқада қолиб кетар экан, бунинг оқибати эса "турғунлик" деган иллатга сабаб бўлаётир. Демак, биз ҳам аёлларимизнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимизга тўғри келади. "Биз" деганда мен эркакларни, оила бошлиқларини назарда тутяпман. Аёлларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўзига хос мавзуга эга бўлишлари учун мамлакатимизда қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар, махсус дастурлар қабул қилинган. Ҳамма гап - уларни амалга оширишда. Юртимизда бу борада қилинаётган ишларга эътироз билдирмаган ҳолда таъкидлашни истар эдимки, аёлларимизнинг биз орзу қилган даражага кўтарилиши кўп жиҳатдан эркакларга - оила бошлиқларига боғлиқ. Чунки, бизда аёллар кўпроқ ёзилган қонунларга эмас, балки ёзилмаган қонунларга, тўғрироғи, эрларининг хоҳиш-иродасига қараб иш юритади. Миллийлик нуқтаи назаридан бу ҳолатни ижобий баҳоламоқ керак, бироқ қадриятларимизга кўр-кўрона ёндошиш эвазига аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари чегараланмаслиги керак.

Кўп юртдош аёлларимиз ўзи истаган эмас, эри ёки қайнота-қайнонаси хоҳлаган жабҳаларда ишлашга мажбурлиги кўпчиликка сир эмас. Бундан ҳеч ким ютмайди; на эр, на хотин, на-да жамият...

Ахир аёлнинг қилаётган ишидан ўзи қониқиш ҳосил қилмаса, уни қайси мантиққа асосан бахтли деб бўлади?

(Давоми келгуси сонда)

НАТО: ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН

ХАЙР, СОЛАНА!

Тўрт йил давомида НАТО ҳарбий блокини муваффақият билан бошқарган Хавьер Солана ўз постини тарк этди.

Унинг фаолиятидан олдинги воқеаларни эслаймиз. Соланaнинг бельгиялик ҳамкасби Вилли Клаас коррупция билан айбланиб, ишдан олиб ташланганди. Ўшанда НАТО олдида муҳим бир савол кўндаланг турарди. Клаас ўрнини ким боса олади?

Аввалида Солананинг фамилияси НАТО раҳбарлигига номзодлар орасида кўрингани йўқ, балки сўнгги вазиятдагина маълум бўлганди. Ўшанда испанлардан чиққан бу раҳбар номзоди блокнинг барча давлатларига, жумладан АҚШга ҳам маъқул келганди.

Қизиқ қарама-қаршилик: ўз вақтида Хавьер Солана Испаниянинг НАТОга қўшилишига қарши нутқ ирод қилганди. Машҳур файласуф, Миллатлар Лигасида испан раҳбари сифатида ном қозонган Сальвадор Мадариагининг невараси бўлган Солана 80—90-йилларда бутун бошли испан социалистик ҳукуматининг бирдан-бир ўзгармас вазири эди.

Аммо, инсонлар ўзгаради. Қачонлардир НАТОни ўзининг душмани ҳисоблаган зот бу ташкилотнинг Бош котиби бўлди. Сиёсатчиларнинг эътирофига кўра, Солананинг ишончга йўғрилган жозибадор кулгуси кўпчиликни мафтун этди.

Яқинда НАТО Бош котиби Хавьер Солана ўз ваколати тугаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказди.

Солана бу постга НАТО тинчликпарвар кучлари Босния ва Герцеговинадаги фаолиятларини бошлаган бир пайтда (1995 йил декабр ойи) ўтирганини эслайди. У НАТО раҳбарлигини қабул қилган пайтда альянснинг Венгрия, Польша ва Чехия ҳисобига кенгайиш жараёни давом этарди. Хавьер Солана ўз фаолияти давридаги бирдан-бир энг катта ютуқни Россия ва НАТО ўртасидаги доимий ҳамкорлик ўрнатилганида кўради. Шунингдек, альянс Солана даврида ўзининг 50 йиллигини нишонлади.

Собиқ Бош котиб сўзларига қараганда, сўнгги тўрт йил давомида альянс муҳим йўлни босиб ўтди. Унинг фаолияти кўпроқ мудофаа ва тинчликни сақлашга қаратилди.

Бугун Солана кўпроқ НАТОнинг Югославияга қилган ҳужуми ташаббускори сифатида тилга олиниши сир эмас. Шу йилнинг 24 мартида у Югослав ҳудудини ўққа тутишга буйруқ берганди. Албатта, альянснинг кўпчилик ҳаракатдаги кўрсатмаларни қабул қилишида океанорти (НАТОда етакчи ўринни эгаллаган АҚШ кўзда тутилаяпти) катта роль ўйнайди. Шундай бўлишига қарамасдан Солана номи Югославияга уруш эълон қилмасликни қўллаб-қувватлаганлардан бири сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолади.

НАТОнинг собиқ Бош котиби 18 октябрда Европа Иттифоқининг умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати бўйича раҳбари вазифасини эгаллайди.

САЛОМ, РОБЕРТСОН!

Британ матбуоти НАТОнинг янги Бош котиби лейборист лорд Робертсонни "юмшоқ қўлқопдаги қаттиққўл" инсон дейишмоқда.

Одатда янги вазифани эгаллаган мутлақо янги одам ҳақида кўп гапирилмайди. Унинг таржимаи ҳоли вақт ўтгани сайин турли хил "қўшилув"лар асосида кенгайтириб эълон қилинади. Шу маънода лейборист лорд Жорж Робертсон Буюк Британия сиёсий доираларида юқори обрўга эга бўлган шахс. Унинг халқаро саҳнага чиқишида партиядоши, Бош вазир Тони Блэрнинг ҳаракатлари катта бўлди.

Буюк Британия Мудофаа вазири бўлган жаноб Робертсон Косово можароларидан кейин Европа сиёсатчилари "назари"га тушди. Бош котиб ўзининг энг асосий вазифаси Европа давлатларининг альянсдаги ҳарбий ролини ошириш эканлигини алоҳида таъкидламоқда. Шунингдек, янги раҳбарнинг таъкидлашича, НАТОнинг келгусидаги ҳаракатлари Шарққа, Россия ва Украина билан алоқаларнинг кенгайтирилишига қаратилади.

Бош котибнинг журналистларга берган маълумотига қараганда, НАТОнинг бундан кейинги сиёсати бир қадар очиқ, тушунарли, соғлом фикрга асосланган ва етарлича бақарор бўлади.

Норали АСЛОН

АЖАБО!

Айни вақтда 200 минг жиноятчи Интерпол "қора рўйхати"га тушган. Интерпол томонидан ҳар йили 5 минг йирик бандит тўдалари қўлга олиниб, панжарагача "кузатиб" қўйилади.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ХАБАР

Яқинда Республика байналминал маданият марказида миллатлараро тотувлик ва ижтимоий тараққиёт омиллари мавзусига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда "Халқ бирлиги" ҳаракати фаоллари, бир гуруҳ профессор-олимлар ва ТошДУ журналистика факультети талабалари иштирок этдилар.

Семинарни профессор Карим Расулов кириш сўзи билан очгач, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳаммедов ва филология фанлари номзоди Қўчқор Хоназаров маъруза қилди. Маърузалар "Миллатлараро тотувлик муносабатлари" ҳамда "Ижтимоий тараққиёт омиллари" мавзусида бўлди.

Йиғилиш ниҳоясида семинар қатнашчилари маърузалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА,
ТошДУ журналистика факультети I курс талабаси

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИСЁН ШИДДАТИДАН ТУҒИЛАДИ

ТАФАККУР

Ким у исён қилаётган инсон? У — "Йўқ", деб айтадиган одам. У рад этади, лекин инкор қилмайди: у айни чоғда ўзининг илк ўр[...]нишидаёқ "Ҳа", дейдиган одам[...]дир. Бутун умри давомида бу[...]руқ-кўрсатмалар измида яшаг[...]қул ҳеч кутилмаганда навбат[...]ги кўрсатмани номақбул деб топади...

* * *

Сукут ҳеч нарса ҳақида фикрламаслиг[...] қандай мақсадинг йўқлигини, — айрим[...]да бу чиндан ҳам ҳеч нимани истамасл[...] ўйлаш учун берилган имкондир.

* * *

Нечоғли омонат бўлмасин, ўзлик[...] исён шиддатидан туғилади.

* * *

Воқеликдан кўз юмиш — ундан қ[...] ўз қадриятларимизни қайта қўлга к[...] курашмоғимиз лозим.

* * *

Исёнкор тафаккур хотирасиз я[...] у ҳар доим ҳаракатдадир.

[...]ан. [...]миқ- [...]малла- [...]келти- [...]илатган. [...]аллари- [...]н ўзаро [...]ан "Али" [...]онган ки- [...]ев орқали

[...]ГАН

[...]1...

[...]тан антиқа [...]й, озроқ

[...]ўман судида [...]нинг гувоҳи [...]и пайти **[...]суд- [...]иш**

ҚАДДИНИ ҒУРУР ТИКЛАЙДИ.

ТАҲРИРИЯТДАН: "Мустақиллик бизга нима берди?" деган саволга шу миллат, шу халқнинг онгли аъзоси, фарзанди сифатида жавоб беришга ҳаракат қилинг. Рўй-рост айтинг. Жон-жонингиздан ўтса-да, ўз бошингизга маломат келтирса-да, мардона тан олинг. Ғурурли халқ ўз ютуқларидан қувона билганидек, нуқсону иллатларини тан олишни ҳам билади. Ва нуқсонларини йўқота боради.

Муаллиф ана шу масалаларни кўндаланг қўяди, баъзи ўринларда яқин ўтмишдан аччиқ мисолларни келтиради, бу билан кейинги 8 - 10 йил мобайнида халқимиз феъл-атворида юз берган ғурур уйғониши жараёнига диққатни жалб этади.

Газетхонларни, барча-барчани мушоҳадага ундайди...

Озод АББОСХЎЖАЕВ,
ҳуқуқшунос

раҳбарларнинг илтимосига кўра Ўзбекистонга тартиб ўрнатгани келганлардан эди. Гўё у халқ қаҳрамонидек гуллару қарсаклар билан кутиб олинди. Унинг таржимаи ҳоли таништирилганда ҳам, республикадаги аҳволни тафтиш қилган, "жиноятчилар"ни фош этган маърузаси чоғида ҳам бот-бот қарсаклар янграб турди. Учрашувда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги таниқли ҳуқуқшунослар бўлсалар-да, айбсиз кишиларга нисбатан қама-қамаларнинг ноқонунийлиги, тергов фаолиятида қонунлар қўпол бузилаётганлиги тўғрисида рост гапни айтишдан ожиз эди. Ҳатто маърузачидан сўнг сўзга чиққанлар "десант"чилар фаолиятини ёқлаб, шарафли ишларида омадлар тилашди, зарур бўлса уларга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Учрашувда сўз олган юқори курс талабалари эса Гдлян, Иванов ва Гайданов сингари одил ҳуқуқшунослар бўлиб етишиш орзусида юришганини, улар билан бирга ишлашга ҳавасманд эканликларини ҳаяжон билан гапирдилар.

Бундай учрашувлар бошқа ўқув масканларида, турли муассаса ва ташкилотларда тез-тез бўлиб турарди. Республикада ҳукмрон ҳолат, қалтис вазият мана шундай маънавий муҳитни яратди. Лекин бу билан биз ҳамма ҳам шу аҳволга тушиб қолганди, деган фикрни айтишдан йироқмиз. Ўша пайтда ҳам ҳақиқатга тик қараган, Гдлян ва Ивановларга қарши турган, мажбурий сўроқлар вақтида бегуноҳ кишиларни сотмаган мардлар ҳам бўлган. Айтмоқчи бўлган гапимиз шундан иборатки, раҳбари элдан йироқ, қўрқоқ ва ихтиёрсиз бўлганидан халқ, юрт ҳимоясиз қолган эди. Биз миллат сифатида, халқ сифатида анча букилиб қолган эдик, ўз қадримиз, ғуруримиз, ҳуқуқимизни ҳимоя қилишга қурбимиз етмай қолган эди.

Айтиш керакки, Марказдан юборилган терговчилар орасида ҳаммаси ҳам бирдек ўз манфаатини, ҳамёнини ўйловчи, доврўқ, шов-шув қозониб обрў-амал шоҳсупасига интилган, ўз ғарази йўлида инсон тақдирини писта пўчоқчалик қийматга олмаган виждонсиз кимсалар эди дейиш нотўғри бўлар эди. Шулардан "ўзбеклар иши"га жалб қилинган Украина прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Сухобрус эди. Ўша вақтларда Ўзбекистон Республикаси прокурори бўлиб ишлаган Н.Бўрихўжаевни тийиб қўйиш Москва десантчилари учун керак бўлиб қолди. Шу ниятда унинг ўғилларидан бирига нисбатан сунъий жиноят иши қўзғатилган эди. Сухобрус бу ерга мана шу ишни олиб бориш учун чақиртирилган экан. Мен ҳам вақтида мана шу "жиноий иш" бўйича гувоҳ бўлишимга тўғри келган. Шу сабабли республика прокуратурасига чақирилган эдим. Белгиланган вақтда айтилган жойга бордим. Хонада икки маҳаллий кадр ўтиришарди. Улар ўзларини республика ички ишлар вазирлигининг ходимлари сифатида танитиб, шу заҳоти менга ёлғон кўргазма беришим тўғрисида тазйиқ ўтказа бошлашди. Уларнинг хатти-ҳаракати ва муомаласи, иш йўриғи шу даражада қўпол ва қонунсиз эдики, бу ҳол ўша замоннинг тергов услубига хос хусусият эди. Мен уларга юридик фанлар номзоди эканлигим, бу ерга айбланувчи эмас, гувоҳ сифатида чақирилганлигимни айтдим, процессуал нормалар қўпол бузилаётганлиги ҳақида эътироз билдириб, кўрсатув беришдан бош тортдим. Шунда улар очиқдан-очиқ қўрқитишга ўтишди. Шу пайт хонага ўша Сухобрус кириб келди. Менинг эътирозимни ва ановиларга кўрсатма беришдан бош тортганимни билгач, энди ўзи мен билан қонун доирасида ишни давом эттирди. Расмий ишлар тамом бўлгач, у киши билан республикада аҳвол ва бошқа масалалар тўғрисида шунчаки самимий суҳбатлашдик. Унинг гуруҳида ишлаётган курсдошим сабабли алоқамиз бир қадар яқинроқ бўлиб қолди.

У юқорида тилга олинган ишни тез кунларда объектив ҳал қилгач, десантчилар билан бу ерда ортиқ ишлашга хоҳиш билдирмай, Украинага қайтадиган бўлди. Кетиш арафасида оғайним ва мени Тошкент меҳмонхонасига номерига таклиф этди. Хонада Сухобрус, курсдош дўстим ва мендан ташқари яна икки маҳаллий кадр ҳам бор эди. Кузатув таомилига кўра егулик-ичгулик ҳозирланди. Қадаҳ сўзи Сухобрусга берилди. Унинг ўшанда айтган гаплари ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Чунки унинг деганлари мустабид тузум шароити туғдирган, кишилар ва халқ умумруҳиятида, табиатида, зеҳниятида илдиз отиб улгурган шу пайтлардаги иллатларимиз тўғрисидаги ҳақ гаплар эди. Хуллас, ўзбекнинг ғурурига тегадиган, нафсониятига ботадиган, юрагига наштар бўлиб санчиладиган аччиқ, аммо рост сўзларни айтганди. У шундай деганди:

"Сиз ўзбеклар аҳмоқ халқсизлар".

Дабдурустдан айтилган бу гапнинг баланд-пасти, даромадини мулоҳаза қилиб сукут сақлаб турганларга қараб тургач, сўзини давом эттирди:

"Сиз ўзбеклар икки карра аҳмоқсизлар. Негаки, мен сизларни биринчи бор сўкканимда, ҳеч қайсингиз эътироз билдирмадингиз. Шунинг учун мен ҳақоратимни такрорладим. Агар сиз миллат сифатида бирлашмасангиз, ўзингизни-ўзингиз ҳимоя қилишни ўрганмасангиз, ўз ичингиздан ўзингизни бадном қиладиганлар, хоинлар йўқолмас экан, сизни миллат, халқ, деб атаб бўлмайди. Сизларда бирлик, миллий ғурур, раҳбарлар ва халқнинг жипслиги йўқлиги сабабли Москва десантни айнан Ўзбекистонга ташлади. Агар менинг республикамга бундай десант ташланганида Гдлян, Ивановларга ўхшаганларнинг бундай иш тутишларига, ўзларини шу қадар таҳқирлашларига раҳбарлар ҳам, украин халқи ҳам ҳеч қачон йўл қўймас эди..."

Яна бир мисол. Шўро салтанати (собиқ иттифоқ) парчаланиши арафасида хизмат иши юзасидан Вильнюс шаҳрида бўлган эдим. Шаҳарнинг одамлар гавжум жойларидан бирида ўрнатилган ҳажв сурат(коллаж)лардан бири ҳеч эсимдан чиқмайди. Унда СССР халқ депутатлари съезди кўрсатилиб, залда ўтирган депутатларнинг ҳаммасининг бошига дўппи кийдириб қўйилган ва улар қайсидир бир масалани бир овоздан маъқуллаётгани тасвирланган эди. Ичимдан зил кетдим, аччиқ алам эзди мени.

Ўша пайтдаги раҳбарларнинг Марказга "ҳа-лаббай"-чилиги, ношудлиги, мутелиги, итоаткорлиги, энг ёмони, ўз манфаатини халқ манфаатидан, ўз тинчини юрт тақдиридан афзал билганлиги боис бошқалар назарида, фикрида ҳам бутун ўзбек халқи тўғрисидаги нохуш тасаввурлар, номуносиб тушунчаларнинг уйғонишига сабаб бўлмадими... 1989 йилгача юрт раҳбарлигига ҳақиқий йўлбошчи келмагунга қадар халқимиз ўша қирғин-қатағон бўронида суринмадими!..

1997 йили Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари бўлди. Юртимизга келган Украина республикаси вакиллари таркибида ҳукумат ва парламент аъзолари, таниқли маданият ва фан арбоблари, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар бор эди. Улар билан суҳбат чоғида Ўзбекистонга, унинг халқига чин ҳавас билан қарашаётганликларини яширмадилар. Юртимиз эришган иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ютуқлар заминида миллий-маънавий асослар ётганини ва халқнинг ўз йўлбошчиси билан бирлиги, якдиллиги бунга асосий омил бўлаётганини эътироф этишди. Тарихимизни, миллий қадриятларимизни қайта тиклаётганимиз, тилимизга, динимизга бўлган ҳаққоний муносабат, бир сўз билан айтганда, маънавиятимиз такомили тўғри белгиланганлиги боис бутун юксалиши билан ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг номи, шон-шукуҳи дунё бўйлаб ўсаётганини тан олишди. Ўзбекистон танлаган йўл тўғри ва биз ҳам албатта сизлардан ўрнак олишимиз керак, дея ният билдиришди. Беихтиёр ўша алғов-далғов замонда Сухобрус билан кечган гаплар хотирга келади. Уни ҳам шу меҳмон вакиллар орасида кўришни, шу гапларга, эътирофларга гувоҳ бўлишини истайсан шунда.

Яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида яқин тарихимизда шонли из қолдирган жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчиликка бағишланган халқаро анжуманда таниқли немис олимаси Ингеборг Бальдауф ва франциялик олим Шанталь Лемерсье-Келькеже жаноблари соф ўзбек тилида маъруза қилдилар. Шўролар даврида боғчасидан ҳукумат доирасигача ўрнини рус тилига бўшатиб берган, миллатимиз ўртасида сал бўлмаса маиший турмуш тилига тушиб қолаёзган тилимизни бугун равнақ топиб, шундай нуфузли минбарларда халқаро илмий тил даражасига кўтарилаётганини кўриб қалблар фахрга тўлади.

Бизга "катта оға"лик қилиб келганлар ўз давлати ичида чуқур иқтисодий-сиёсий бўҳронни бошидан кечираётган, тинчлик, барқарорлик, бирдамликка эриша олмаётган бир даврда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, жамиятимиз ҳаётида кечаётган чуқур иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар боис яратувчанлик ишлари, эришилаётган натижалардан севиниб, барчамиз: ёшу қари "мен ўзбекман", дея ғурур билан айта олаётган вақтда ўша оғир йиллар сабоғини ёдда тутишимиз керак.

Қисқа, 10 йилга етар-етмас давр ичида миллатнинг миллат, давлатнинг давлат бўлиши, ҳеч қандай қон тўкишсиз мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши, иродаси букилган, руҳи эзилган, таҳқиру маломатга қолган ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ғурури, шони, номининг қайта тикланиши қайси инсоннинг номи билан боғлиқлигини бирор лаҳза ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим.

ҲУРРИЯТ
Ўзлигини англаб ет!
мустақил газета
13 - 19 октябрь
41 - (143)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —18.30
Буюртма — Г 0849

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Мустақил газета ҲУРРИЯТ 1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

МЕН БИЛГАН АЁЛ...

ЭҲТИРОМ

Менинг назаримда, инсонда уч нарса бор бўлсагина у бахтли. Оиласи, фарзандлари тинч, сизни тушунган инсон ҳаётда йўлдошингиз бўлса ва севган касбингизда ишлаш насиб этган бўлса...

Яна сиз онангиздек меҳрибон раҳбарингиз, ажойиб жамоангиз билан бирга меҳнат қилсангиз. Умримизнинг энг кўп вақти ўтадиган иш жойимиздаги шароитнинг яхши бўлиши ҳамма нарсадан муҳимроқ, шундай эмасми?

Дунёнинг минг хил ташвишларидан бири мени ҳам четламади. Севимли қизалоғимнинг кутилмаганда қаттиқ оғриб қолиши бор дунёмни қоронғу қилгандек бўлди. Ўша куни бир алпозда ишга келдиму, бош муҳарриримиз Дилбар опага айтиш учун чоғланавердим. Айтишга эса ботина олмасдим. Сабаби, кўпчилик таътилда ёки касал эди. Ниҳоят иш кунимиз тугаб ҳамма кетишга отланаётганида Дилбар опа мени ҳузурига чақириб:

- Сиз эрталабдан буён айта олмаётган гапингизни гапиринг-чи, эҳтимол, менинг ёрдамим тегиб қолар, - дедилар.

Очиғини айтсам, жуда ҳайратда қолдим. Опа чиндан ҳам сеҳргардек бугун айтишим керак бўлган сўзим борлигини сезибди. Шундан кейин бор гапдан бохабар бўлгач, кўнглимни кўтариб, ўз маслаҳатларини бердилар. Таътилга чиқишга рухсат бердилар. Эрталаб оғир юк кўтариб келгандек қийналиб ишга келган бўлсам, оқшомда енгил тортиб, хурсанд

ҳолда уйга кетдим. Таътил давомида опа телефон қилиб ҳол-аҳвол сўраб турди. Қизчамни даволатиб, ишга хуш кайфият билан соғиниб-соғиниб қайтиб келдим.

Раҳбаримнинг шундай доно ва бағридарё аёл эканлигидан бошим осмонга етарди. Кечаю кундуз таҳририят хизматини бажаришдан ҳам толмасдим.

Яна бир куни таҳририятдан чиқиб кетаётганимда кўзларида бир олам мунг, ҳасрат билан боласини кўтариб чиқиб келаётган аёлни кўрдим. Унинг нигоҳларида қандайдир ташвиш бор эди.

Хуллас, ишим зарур бўлгани учун тезда чиқиб кетдиму, бу аёлни унутгандек бўлдим. Бироқ қайтиб келганимда ҳалиги аёлнинг йўлакда Дилбар опа билан хайрлашиб турганлигини кўрдим.

Бу аёлнинг кўзларини кўрсангиз, боя кўринган ҳасратдан ном-нишон ҳам қолмаганди. Билсам, опа у билан анча гаплашиб, маслаҳатларини бериб, баъзи жойларга телефон қилиб, уни йиғлатган муаммоларини ечишга ҳам ёрдам берибдилар. Кейинчалик у аёл яна келди. Бу гал уни танимабман ҳам. Бир қучоқ гулларни олиб келиб опанинг қўлларига тутқазар экан, тинмай ташаккур билдирарди.

У кетгач опа: - Бу аёлни танидингизми, ўшанда йиғлаб келган эди-ку, ҳозир ишга кирган, боласини боғчага ҳам жойлабди. Ишлари яхши экан, - дедилар.

Таҳририятимиздан турли юмушлар билан келгувчиларнинг оёғи узилмайди. Опа газетачиликнинг минг бир ташвишларидан ортиб таҳририятга келган ҳар бир одам билан гаплашиб, керак бўлса уларга ёрдам берадилар. Яна қанча ижодий ишларни бажаришга ҳам вақт топадилар. Кунда мақолалар солинган оғир папкаларини кўтариб кетиб, таҳрир ҳам қиладилар. Мақолаларни таҳрир қилишда, ниҳоятда талабчанлик билан ишларимизни кузатадилар. Йўл-йўриқларини аямайдилар.

Газетачиликнинг нонини ейиш осон эмас. Бу касбни севган одамга унинг машаққатлари ҳам ширин туюлар экан. Яна бу касб орқали эл назарига тушиш қийин бўлсада, халқнинг ишончини оқлаш катта гап экан. Яқинда газетамизнинг жонкуяр раҳбарига "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони берилди. Бундан барчамиз қувондик.

Берилган мукофот Дилбар опанинг янги асарлар яратишига қанот бағишласин.

Басира САЙИИД АЛИ

НАЗОРАТ

ДАРОМАД, СОЛИҚ ВА БУРЧ

Мустақил давлатимизда ишбилармонликка кенг йўл берилмоқда. Зеро, бозор иқтисодининг талаби шу бугунги кунда кўҳна Самарқанд шаҳрида "Тадбиркорман!" дея кўксига уриб юрганлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти, эл-юрт ва табиийки, ўз манфаати йўлида баҳоли қудрат ҳаракат қилиб, иқтисодий ислоҳотлар самарали кечишига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Бу ҳолат биз — солиқ ходимларини қувонтиради, албатта. Аммо гуруч ичида курмак учраб турганидек, баъзи сохта тадбиркорларнинг ғайриқонуний фаолияти фуқароларимизда норозилик уйғотмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Яқинда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда шаҳримиз фуқароси Саттор Розиқов уйини назоратдан ўтказганимизда унинг хонадонида сохта арoқ ишлаб чиқарадиган цех борлиги аниқланди. Шунингдек, сотишга тайёрлаб қўйилган 220 дона кўлбола арoқ, 20 мингдан ортиқ ёрлиқ, 1500 дона бурама арoқ қопқоғи, бир неча минг дона шиша, ёрлиқда ишлаб чиқариш санасини кўрсатувчи 2 дона тамға, арoқ қопқоғини беркитадиган махсус электр мослама ва арoқни филтрлайдиган ускуналар топилди. Буни кўриб, цех эмас, завод-ку, деб юборасан киши.

Албатта, Саттор Розиқов қилмишига яраша жазосини олади. Лекин у қўлга тушгунга қадар сотган кўлбола арoқларни истеъмол қилганлар соғлиги-чи?

Бундай одамларга нисбатан "сохта тадбиркор" деган таъриф юмшоқроқ бўлар эди.

Самарқанд шаҳар Усто Умар Жўрақулов кўчаси 5-уйда жойлашган Рустам Раҳимовга қарашли хусусий карвонсарой назоратдан ўтказилганда, Тожикистон республикасининг фуқароси бўлган уч аёлнинг хўжалик сумкаларида ҳажми 1,5 литр бўлган 385 дона пластмасса идишларда жами 577,5 литр спирт борлиги маълум бўлди.

Афсуски, бу пластмасса идишлардаги спиртнинг сифати қай даражада эканлигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Боз устига уларда ушбу маҳсулот ҳақида бирорта ҳужжат ҳам йўқ. Аёллар мамлакатимиз қонун-қоидаларини мутлақо билишмайди. Афтидан, улар бу ҳақда қизиқиб ҳам кўришмаган. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳамёнларидан ўзга нарса хаёлларига келмаган.

Бундан ташқари шаҳримизнинг Хишрав қўрғонида 400 литр спирт, 200 дона ёрлиқ, 200 дона арoқ қопқоғини 57000 сўмга сотаётган ака-ука Мирзо ва Шуҳрат Хожиметовлар ҳам нафс балосига қолишди.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар учала ҳолатда ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, тез бойиб кетиш, бошқалар нима бўлса бўлсин-у, мен роҳат-фароғатда яшасам, касалига мубтало бўлган "ишбилармон" деган ниқобга яширинганлар асл қиёфаси очиб ташланган.

Албатта, ўта махфий ҳолда қилинаётган қонунбузарликларни очиш катта малака, синчковлик талаб қилади. Бунда мен ходимимиз Фурқат Исмоиловнинг алоҳида хизматини эътироф этгим келади. У юқоридаги уч ҳолатдан ташқари яна бир неча марта ўзининг касбига садоқатли эканини кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳамма вақт ҳам ишимиз бир зайлда силлиқ кўчавермайди. Текширишлар пайтида қонунбузарлар томонидан қаршиликлар кўрсатиш, қўрқитиш, баъзан тан жароҳати етказиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, катта инспекторимиз Фарҳод Раҳматов томонидан "Баҳор" МЧЖ кўрикдан ўтказилаётганда, ушбу жамиятнинг 32-секцияси мудираси Д. Исломова имкон қадар текширишга халал бериш мақсадида Давлат солиқ инспекцияси ходимини қаттиқ ҳақорат қилади. Шундай бўлсада, Ф. Раҳматов босиқлик билан мудирани тинчлантирмоқчи бўлади. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетади. Боз устига тез орада синглисига ёрдамга етиб келган Абдураҳим Исломов шаҳар солиқ инспекцияси ходими ва холис гувоҳ Ҳасан Шоймкуловларни уриб, уларга тан жароҳати етказади. Оқибат эса... Оқибатда Д. Исломова ва унинг "меҳрибон" акаси суднинг қора курсисига ўтиради.

Ажабо, кишини ўйлантирадиган ҳолат. Ахир бу билан Дилфуза Исломова ўз ишида нуқсон борлигини ҳали текшириш ўтказилмасдан бурун очиқ-ойдин маълум қилиб қўймаяптими? Яна бир қонунбузарлик устига иккинчисини қўшишнинг нима зарурати бор эди?

Агар давлатни бир соғлом танага қиёсласак, унинг томирларида тоза қон югуриб туришини айнан тадбиркорлар тўлайдиган солиқлар таъминлайди. Демак, лозим солиқларни ўз вақтида тўлаб туриш, давлатни алдамаслик ҳар бир тадбиркорнинг фуқаролик бурчидир. Солиқ идораларининг хизматчиларини ана шу бурч посбонлари дейиш мумкин.

Садриддин БОБОМУРОДОВ,
Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

ҲУРРИЯТ SPORT

ЯГОНА ГОЛ ФОЖЕАСИ

Европа балки бутун дунё нигоҳи тўққизинчи октябрь куни Лужники ўйингоҳига қаратилгани сир эмас. Ана шу кун МДҲнинг гиганти Россия ва Украина жамоалари Евро 2000 йўлланмасини ҳал қилишга киришди. Агарда жамоалар мавкеига назар ташлайдиган бўлсак, аср охирида инқироз кўчасига кириб қолган Россия футболчилари учун фақат ва фақат ғалаба зарур эди. Уларни дуранг натижа ҳам қониқтирмаслигини турнир жадвали яққол кўрсатиб турганлиги аввалданоқ мухлисларга аниқ. Шунинг учун ҳам мезбонлар ғалаба учун ҳам мезбонлар ғалаба учун тўп суришди, бироқ...

Агарда тарихнинг яқин даврига назар ташласак, бир вақтлар дунё футболида ҳукмронликка интилган рус футболи собиқ империя парчаланиши билан инқирозга юз тутди. 1994 йилги АҚШда бўлиб ўтган 15 Ж/Ч мусобақаларида Россиянинг гуруҳдан чиқолмаганини ҳеч ким кутмаган эди. Бразилияга 0:2, Швейцарияга 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб, қора қитъа вакили Камерунни 6:1 га енгган жамоанинг ҳақиқий инқирози ана ўшандан бошлангани ҳали бери ўз ечимини топишига илож йўқ эди.

Муддатдан илгари ўз уйига қайтган жамоа 1996 йилги Англияда бўлиб ўтган Евро 96 мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўрди, шекилли, футбол ватанига мағрурона йўл олишди. Қуръа натижаларига кўра рус футболчилари Италия, Германия ва Чехия жамоалари билан куч синашишларига тўғри келди. Кўпчилик мухлислар айнан ана шу гуруҳни "ҳақиқий даҳшат" деб бежизга айтмади. Ўйинлар Россия учун оғирлик қилиши биринчи учрашувдаёқ сезилиб қолди. Италияга 1:2, Германияга 0:3 ҳисобида имкониятнинг бой берилиши рус фанатлари учун аср фожеаси эди. Учинчи учрашувда зўрға дурангга эришган жамоа гуруҳида сўнгги ўрин билан кифояланиб, бу сафар ҳам муддатдан илгари ўз уйига қайтишга маҳкум бўлди.

Италияликлар "биз чемпионлик учун ўйнаймиз" деганидек, россияликлар ҳам "биз кучлилар билан курашишга ҳақлимиз" дея 16 Ж/Ч га қизғин тайёргарлик кўрса-да, донгдор жамоаларга тенглашишга ҳали эрта эди. Шундай ҳам бўлди. Ўз гуруҳида Болгариядан сўнг иккинчи ўринни олган Россия Европа одатига кўра бошқа гуруҳнинг иккинчи ўрин соҳиби Италия билан муросасиз баҳсга киришди. Ўз майдонида (1:1) дурангга эришган Россия сафардаги учрашувда ягона гол туфайли Франция 98 ўйинларида қатнашишдан маҳрум бўлди.

Евро 2000 да иштирок этиш учун саралаш босқичларида уч учрашув ўтказиб, 0 очкога эга бўлган Россиянинг финал мусобақаларида қатнашиши орзуга айланаётган бир пайтда мураббий ўзгарди-ю, тўртинчи гуруҳда туб бурилиш юз берди. Тўртинчи гуруҳдаги вазият чигаллашгандан чигаллашиб, ҳаммаси охирги турга боғлиқ бўлиб қолди.

Ўйин тафсилотига қайтадиган бўлсак, дастлабки дақиқаларданоқ ҳар иккала жамоа футболчилари ҳам ҳимояга қараган ҳолда эҳтиёткорлик билан тўп сурди. Шевченко Ребров ҳужумлари қимматга тушишини англаган руслар "энг яхши ҳимоя, ҳужум" дея ҳар қанча шиддатли ўйин кўрсатса-да, биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсизлиги сақланиб қолди.

76-дақиқага келиб Карпиннинг голидан сўнг Романцевнинг "Биз Евро 2000 да ўйнамоқчимиз, нега бизни ҳазиллашаяпти деб ўйлашмоқда" деган сўзлари ўз исботини топаётгандай эди. Бироқ Украина ёқимтойи Шевченко томонидан киритилган ягона гол Россия футболи учун аср фожеасига айланди. Ўйинда дуранг натижа қайд этилган бўлса-да, Россия учун бу натижа ниҳоятда шармандали эди. Сабаби 19 очко тўплашга муваффақ бўлинди, холос. Украинада эса 20 очко.

Французлар ҳам Исландияни 3:2 ҳисобида доғда қолдириб 21 очко билан Евро 2000 финалчисига айланди.

Дастлаб Жаҳон чемпионати ва Европа мусобақаларида сўнгги ўринни эгаллаган Россия кейинчалик ягона гол туфайли 16 Ж/Ч ва Евро 2000 мусобақаларида қатнашишдан маҳрум бўлди. Нима ҳам дердик, аср охирида инқироз кўчасига кириб қолган Россия футболи учун янги асрни кутишдан бошқа илож йўқ.

Шуҳрат ТОЖИЕВ

БОЛА БОШДАН...

ҲА-ЗИЛ

Агар, фарзандингиз ёшликда ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олса, у келажакда "ДАН ходими" бўлади.

* * *

Ёшликда болалар ўртасидаги жанжалларга бошчилик ... эрги тилда... разборшик... қилса, унда у "проку...", ёки "судья" бўлади.

* * *

... -сиз агар олиб бер... эътингизнинг ичини ... сиз ранжиманг, ... бўлади.

* * *

...ангиз янги ши... ўйлагингизни ...иб..., у "модель-...

... чиққанда ... бўлса - ...нда бўлса

... из ҳар ...йиғлаб- ... сиздан ...оладиган ...қиқий со... бўлиб ети-

* * *

Агар, фарзандингиз ўзи билан ўзи гаплашиб ўтираверса, унда у "шоир" бўлади.

* * *

Фарзандингиз кўрпасига қараб оёқ узатса, у "иқтисодчи" бўлиши мумкин.

* * *

Фарзандингиз мабодо пулни бармоғини туфлаб санашни, бели букилмаган юталикни чўнтакка уришни севса, "банк ходими" ёки "ҳисобчи-ғазначи" бўлади.

* * *

Бирор фалокат юз берганда, сизга ёрдам кўрсата олмай, фалокатдан сўнг эса "ажойиб ёрдам" кўрсатадиган фарзандингиз бўлса, у албатта Давлат Суғурта идорасида ишлайди.

* * *

Фарзандларингизга бирор нарсани тенг тақсим қилсангиз-у, агар укаси устакорлик қилиб акасининг нарсасини юлиб олса, у фарзандингиздан "ишбилармон-тадбиркор" чиқиши турган гап.

* * *

Агар буюрган ўнта ишингиздан аранг бирини бажарса, у фарзанд "амалдор" бўлади.

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
ТошДУ толиби

- Қачон илинаркан-а?!

ПОЕЗДГА ТОШ ОТМАНГ

йўқса "бошингиз ёрилади"

ПАНЖАРА

Туннинг қоқ ярми. Кузнинг салқин кечасида чигирткалар ҳам эриниб, чирилламай қўйган. Шу тобда темир йўл рельсига тушган пўлат болға зарбидан атрофга хунук сас тарқалади.

Тўрва орқалаган ўғри кишиларнинг ухлашини пойлаб, тунни ярим қилгач, рельсларни бир-бири билан боғловчи рангли металларни ўмаришга тушди. Омади чопса борми, улардан уч-тўртини қўшни республикадаги гумашталарига "кўк"ига пуллайди. Аммо ҳамма гап "шапкали"ларнинг қўлига тушмасликда!

Яхшиямки, бундай пасткаш, хоин кимсалар ҳамиша ҳам ниятига етавермайди. Уларнинг бизнесига доим милиция ходимлари халақит беришади, тунда "тинч ишлаш"ига йўл қўйишмайди.

Жиззах темир йўл шоҳ бекати тармоқ ички ишлар бўлинмаси назоратидагидек мураккаб ҳудудлар камдан-кам учрайди. Бир томондан Тожикистон, иккинчи томондан Қозоғистон Республикаларига туташиб кетадиган чексиз темир йўл линиялари тармоқ ички ишлар бўлинмаси ходимлари зиммасига залворли масъулият юклайди. Уларни янада зийрак ва ҳушёр бўлишга ундайди.

- Бўлинмамизда юздан зиёд ходим ишламоқда, - дейди биз билан суҳбатда шоҳбекат тармоқ ички ишлар бўлинмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция капитани Мустафо Раҳматов, — Ховос, Сирдарё, Бекобод, Жиззах, Гулистон ва бошқа жойларда минтақавий бўлимларимиз бор. Ходимларимиз поездларни кузатади, олдин судланганларни ҳисобга олади, улар билан ишлайди, тармоққа қарашли ташкилотларни текширади, бир сўз билан айтганда, жиноят ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланади. Ҳудудимизда ўтган 9 ой давомида содир этилган 110 жиноятдан 105 таси очилди, қолганлари устида ҳамон қидирув ишлари олиб борилаяпти. Бу рақамлар ўтган йилнинг шу кунигача бўлган маълумотлардан анча кам, албатта.

Жиноятнинг асосий турларини давлат мулкини ўғирлаш, наркобизнес кабилар кўпроқ ташкил этади.

- Поезд вагонлари ойнасига тош отиш темир йўл ҳудудларида яшовчи ўсмирларга (баъзида катталарга ҳам) азалдан теккан касаллик, - дейди вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича катта нозир, милиция капитани Шукур Элмуродов. - Биз ходимларимиз билан мактаб ва маҳаллаларда бўлиб, профилактик ишлар олиб бораяпмиз.

Ҳозир кўпчилик ўзи ёки боласининг поездга отган тоши қайтиб "бошга ёғилиши"ни тушуниб қолган. Чунки энди бундай тартиббузарларга қатъий чоралар кўриладида.

Бу йили алоҳида кўзга ташланган бир ҳолат кишини ажаблантиради. Шу десангиз, тақиқланган адабиётлар, варақа тарқатиш билан шуғулланганлар устида "ишлаш"га тўғри келди. Ходимларимиз билан биргаликда бундай фисқу фужур тарқатиш истагида бўлган ичиқора нокасларни амалдаги қонунларимиз асосида жиноий жавобгарликка тортдик.

Биз бўлинма фаолияти билан яқиндан танишдик. Шунингдек, тармоқ ички ишлар тезкор жиноят қидирув гуруҳи раҳбари А.Абдураимов билан ҳам тун бўйи касб обрўйи, машаққатию шарафи хусусида узоқ суҳбатлашдик. Халқимиз осойишталиги, юртимиз тинчлиги йўлида кунни тунга, тунни тонгга улаётган ички ишлар ходимлари борлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Н.ОЧИЛОВ

ҲАНГОМАНАМО

Автобусга йўловчилар чиқиб жойларни эгаллайди. Бироқ ҳали анчагина ўриндиқлар бўш. Яна беш-олти дақиқа кутишга тўғри келади.

Шу пайт автобусга қорамағиздан келган ўн ёшлардаги маззанг бола чиқади ва чўк тушганча қўлларини дуога очиб "Қуръони Карим" сураларидан ўқийди. Сўнгра маззангча талаффузда ҳаммамизга Аллоҳ номидан бир дунё бойлигу мартаба ваъда қилади ва тилаклари ижобат бўлиши учун садақа йиғишга киришади.

Йўловчилар бундай насия бойликлару мартабаларга парво қилишмайди. Орадан кўп ўтмай автобус салонида барваста эркак пайдо бўлади. Унинг турқу таровати ва гап-сўзлари одамларда қизиқиш қўзғайди.

- Қадрли биродарлар! - дейди у қандайдир ўнғайсизланган ҳолда. - Гапимга бовар қилинглар. Хотиним касалхонага тушиб қолди. Икки ёш гўдагимиз бор. Мен кўчакўйда мардикорчилик қилиб нон пули топиб келардим. Энди болаларга қараш ўзимга қолганлигидан бир ҳафтадан бери ишга ҳам чиқолмаяпман. Хотинимга дори-дармон олайми, гўдакчаларимизга нон топайми? Бугун гўдакларимни қўшнимга бир соат қараб туринг деб ташлаб чиқдим. Қўлларингдан келганича, баҳоли қудрат ёрдамларингни аяманглар. Илойим, биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Сизларни мажбурламайман. Ишлай десам, болаларга қарайдиган одам йўқ. Ўғрилик қилолмасам...

Йўловчилар бир-бирларига қараб, чўнтак ковларкан: "Тўғри айтаётир, ўғрилик қилолмаса нима қилсин", - дердилар, гўё ўзлари ўғриликни жойига қўяётгандек.

ЎҒРИЛИК ҚИЛОЛМАСАМ...

ёки "Шум бола"ни бир кечада ўқиб

Дарвоқе, нега биз ўғрилик сўзини эшитганда сеҳрланиб қоламиз. Баъзан бу сўз бизга кўп ҳолларда қалқон ҳам бўлади. "Нима, ўғрилик қилайми бўлмаса?", "Ўғрилик билан пул топганимда ўзим билардим", деган янишларни кўп эшитамиз. Гўё ҳаётнинг бош мезони, энг олий касб-кори ўғрилигу, бу ҳунарни эплай олмайдиганларгина олибсотарлик, тадбиркорлик, тиланчилик ва охир-оқибатда тер тўкиб меҳнат қилишга мажбурдек (тўғриси, ўғрилар ҳам "тер тўкади", аммо бу тер совуқ бўлади).

Турмушда танқисликка учраб, олибсотарлигу мардикорчиликка чиққанлар ҳам ўзини шундай оқлайди. Ўғрилик қилолмасам...

Гўё ўғрилик қилиш қўлидан келганида турмушидаги барча муаммолари ҳал бўлиб, тўкис яшаши, обрў-эътибори бўладигандек.

Қадим-қадимдан қораланиб, турли оғир жазоларга маҳкум этиб келинган ўғрилик "ҳунари" бундай пайтда оқлаш мезонига айланиб қолмаяптими?

Иши юришмай, ўзини ўғриликдан бошқа ўту чўққа уриб юрган, ҳатто тиланчиликка мажбур бўлган одамни кўрганда айтадиган гапимиз ҳам шу:

- Нима қилсин, бечора, ўғрилик қилолмаса...

"Майсаранинг иши" комедиясидаги қўшиқ сўзларини эслайлик:

Афандининг гапи тўғри:
Бу дунёда ҳамма ўғри!

Қизиқ, "бу дунёда ҳамма ўғри"микин? Адабиётимизда ўғрилик, босқинчилик, яъни "яғмо" муболаға хизматида бўлган. "Кўзлари яғмо", "хаёлимни ўғирлади бир жонон", "ўзимга билдирмай кўнглимни олди гўзал" каби оху-вовайлолар шарқ шеъриятининг безаги бўлган.

Болаликда айтар эдим онамга доим:
Катта бўлсам қўриқлайман
оромингизни.
Мана неча йилки
сочлари оқариб кетган онам
кўзлари қорайиб кутади мени -
оромин ўғирлаб кетган ўғлини, -

деб ёзганди Хуршид Даврон ўзига хос "ўғрилик"ни тан олиб.

"Бағдод ўғриси" эса халқимиз севадиган Афанди жанобларининг дўсти бўлган. Икковлон шариату давлат қонунларини ўз нафсларини қондириш қуроли қилиб олган бошқа "ўғрилар" - дин пешволари ва давлат арбобларини чув тушириб юрганлар (ўғрини қароқчи ургандек).

Буюк комбинатор, ашаддий лўттибоз ва товламачи Остап Иброҳим ўғли Бендернинг прототипи ҳам ўзимиздан бўлиб чиқди! "Труд-7" ҳафталигида ёзилишича, Турғун Иброҳимов номли собиқ маҳбус ўттизинчи йиллар бошида Русия томонларда жазо муддатини ўтаб чиққач, "социализм шитоб билан қурилаётган славян кенгликларида ўзини кимсан Ўзбекистон Республикаси халқ нозирлигининг раиси Файзулла Хўжаев деб таништириб Украина ва Ғарби-Жанубий Россия тарафлардаги амалдорларни лақиллатиб, насибасини териб юрган. Ўзига хос бу Хлестаковга Шўро амалдорлари давлат ҳамёнидан, айримлари эса ҳатто ўз ҳамёнларидан ебкетарга пул беришган.

Ильф ва Петровнинг "Ўн икки стул" ва "Олтин бузоқча" романларининг бош қаҳрамони бўлган Остап Бендернинг миллатини ва у намоён этган "ўзбек комиссари" ролини аниқ кўрсатиш ўша пайтларда шакллантирилаётган ва зўр бериб шиширилаётган "халқлар дўстлиги" ғоясига путур етказиши ва ўзбекдек "авом бир халқ" обрўсини "тушириб" (аслида "кўтариб") юбориши, шўро арбобининг мавқеи хавф остида қолиши мумкин эди. Шу сабабли ҳам Остап Бендернинг томирларида оқадиган тўрт-беш литр "қон"га шўро ва хорижий ҳудудлардаги устомон халқларнинг (соддадил чукчалар бундан мустасно, албатта) қонлари оз-оздан омухта қилинди.

Бу пайтда "заҳматкаш ўзбекнинг қалам деҳқони" бўлган Ғафур Ғуломнинг "ўғригина бола"си яратилди. Ўғрилик қилиш қўлидан келмайдиганларнинг надоматига қарши ўлароқ, тақдир тарозисига кўра ўғрилик кўчасига кириб, тирикчиликнинг зил тегирмонини аранг юргизаётган бу "ўғригина"нинг муштипар кампирга қилган ҳасратидан ўғрилик илдизларини инсон табиатидангина эмас, мавжуд ижтимоий тузум қусурларидан ҳам излаш зарурлиги таъкидланади.

Халқимизнинг "ўғри бўл, инсоф билан бўл" деган нақлида катта маъно бор. Инсоф туйғуси дилини тарк этмаган ўғри ҳақидаги мана бу ривоят ҳам фақат хаёлот маҳсули бўлмаса керак.

Эмишки, тунда шоҳлик ғазнасига ер остини тешиб кирган уста ўғрининг қўлига ғаройиб бир тош тушиб қолади. Тирқишдан тушаётган ойнинг ипак шуъласида бу тош қирралари камалакдек шуъла таратади. Бу қандай қимматбаҳо тош экан, олмос деганлари шу бўлса керак, деб ўйлаган ўғри тошнинг мустаҳкамлигини синаш учун тишлаб кўради. Аммо бу нуқра тош ўғри тишлари орасида уваланиб кетади ва унинг бор-йўғи туз бўлаги эканлиги маълум бўлади. Ўғрининг томоғидан ўтиб кетган, тузга тўйинган намокоб инсоф-диёнат томчиларига айланади ва у кимса "бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом жойиз" деган халқ удумига амал қилиб ғазнадан бирор танга ҳам олмасдан чиқиб кетади.

Тонгда ғазнага ўғри оралаганлигидан огоҳ бўлган ғазначи ва вазири аъзам катта миқдордаги бойликни ўзлари ўмариб, шоҳга юз берган катта талончиликдан хабар берадилар. Тезда шоҳ фармойишига биноан мамлакатдаги машҳур ўғрилар ва изқуварлар саройга етказиб келинади. Воқеа содир бўлган жойни обдон текширган ўғри ва изқуварлар ерда сочилиб ётган туз ушоқларини кўрадилар. Бу туз ушоқлари инсоф марваридлари эди ва ғазнада содир этилган улкан ўғриликда чинакам ўғридан ҳам кўра шу жой мутасаддиларининг қўли борлиги ҳақида шоҳга маълум қилишади.

Шоҳнинг ўғриларга нисбатан муносабати ўзгаради ва ўша тунда ғазнага кирган ўғри ўз ихтиёри билан бош эгиб келса, гуноҳи авф этилиши тўғрисида фармон чиқариб, жар солдиради.

Ўғрининг ўз ихтиёри билан бош эгиб келиши ғазнабон ҳамда вазири аъзамга хатарли бўлганлигидан улар ҳам тинч турмайдилар ва хуфёна тарзда ўғри қўлга олинган куни савол-сўроқсиз қатл этилиши мумкинлиги, шоҳнинг бу фармони хўжакўрсинга чиқарилганлиги тўғрисида миш-миш тарқатадилар.

Ўғри ва шоҳ инсоф юксаклигига кўтарилгани сари ғазначи ва вазири аъзам шунчалик тубанликка тушадилар.

Қолгани эса ўзларингизга маълум: ўғри ўз ихтиёри билан бош эгиб келади, шоҳ тузини тотганлиги учун ғазнадан ҳеч нарса олиб кетмаганлигини айтади. Ўғирланган бойликлар бошқа жойдан топилади ва инсофсиз ғазнабон ва вазири аъзам жазоланадилар, инсофли ўғри эса мукофотланади...

Инсоф ва ишончнинг мувозанати бирдек бўлганида адолат тантана қилишини биз 16 февраль воқеалари натижасида муҳтарам Президентимиз томонларидан эълон қилинган авфу олий тимсолида кўрдик. Эл тинчлигини, истиқлол обрўсини, давлат бошлиғи ҳаётини ўғирлашга қўл урганлар туз ҳурматини сақлаган ўғричалик ҳам бўла олмадилар.

... Майда-чуйда ўғирликка қўли ўрганиб қолган болакай бир куни китоб дўконига кириб, у ердаги осойишталикка ҳайрон бўлди. Доимо гавжум жойларда юраги қўлга тушиб қолиш қўрқувидан гурсиллаб урадиган ва онгини сеҳрлаб қўядиган ҳиссиётларни бахш этадиган бу ҳунарини сотувчию ўзидан бўлак зот бўлмаган ҳайҳотдек хонада амалга ошириш мумкинмикин, деган хаёлда бемақсад сандироқлаб юрди. Унинг қизиқишига катта ва оғир китоблар тўғри келмасди. Улар қўйлаги орасидан тушиб кетиши мумкин. Ниҳоят "шум бола" деган юпқагина китобчага кўзи тушди, унинг номи ва унчалик катта эмаслиги кўп маъқул келди. "Шум бола" бир зумда пештахтадан бола қўйнига кўчиб ўтди ва бир дақиқадан сўнг кўчада пайдо бўлди.

Болани китоб ҳам, унга эга бўлиш ҳам қизиқтирмасди. Уни фақат ўғирлаш жараёни ва ўша онларда ҳис қиладиган ўткир таассуротлар рағбатлантирарди. Ўғирлаган нарсаларини у кўпинча укаси ёки опасига, қўшни болаларга совға қилар ёки у-бу нарсага айирбошларди.

Болакай уйга келиб, "Шум бола"нинг у ер-бу еридан чўқилаб ўқиб кўрди. Кейин бошидан бошлади. Озгина ўқиди, кейин яна озгина, кейин яна ва яна... Шундай қилиб, бола бир кечада "Шум бола"ни ўқиб тугаллади. Ўғирликдан оладиган завқу кайф ўрнини китоб мутолаасидан оладиган таассурот эгаллади ва шу-шу бола китоб дўконлари ва кутубхоналарнинг ашаддий мижозига айланди. Болаликда қилиб юрган ўғриликлари ширин бир хотиралар бўлиб ортда қолди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,
шоир,
Усмон Носир номидаги мукофот совриндори

P.S. Бу мақоланинг давоми ёзилиши мумкин ва шубҳасиз. Негаки, айтилмай қолган гапларим кўпга ўхшайди. Ва ушбу мақола юзасидан мактублар олишимга ҳам ишончим бор. Насиб қилса, кейинги мақолаларда яна кўп гапларни ёзмоқчиман, бошқа нима иш ҳам қилардим, ўғрилик қилолмасам...

ОВОЗА

Айрим туманларда мукофотга... иш ҳақи беришаётган эмиш

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Абу Али ибн Сино номли 72-лицей-мактаб томонидан Таджибаева Дилфузахон Аҳмадуллаевна номига берилган OR-Z №339522 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.